БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 21 июль Шанба
№ 136 (13.572).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

«Бунёдкор талаба» сўз сўрайди

Отряд қайтиб келди. Нега?

Тошкент Давлат дорилфунунининг фалсафа-иқтисод куллиёти талабаларидан тузилган «Марксчи» отряди меҳнат таътилини ўтамасдан, ортига қайтди.

— Жамоамиз шартномага асосан, Тюмень вилоятининг Юрга ноҳиясидаги «Новий Тап» посёлкаси ўрмон саноати хўжалиги («Леспромхоз»)да меҳнат таътилини ўташи керак эди, — дейди «Марксчи» талабалар отряди командири Юсуф Ашуров. — Афсуски, у ердаги вазият бизнинг ишлашимизга халал берди.

Дорилфунуннинг фалсафа-иқтисод куллиёти талабалари Тюмень вилоятида биринчи йил ишлашаётгани йўқ. Улар қатор йиллар мобайнида ёзги таътилни ўша ерда ўташган. Мазкур йилда эса...

— Қишда мен ўзим Тюменга бориб, «Леспромхоз» бош директори В. С. Тюлкин билан отрядимиз ўртасида шартнома имзолаган эдим, — деб сўзида давом этади командир. — Чунки олдинги йилларда ҳам ўша корхонада ишлагандик. Директорга меҳнатимиз ёқиб қолган экан. «Яна келинглар, бизда иш кўп» деган эди.

Отряд 15 минг сўмлик иш бажариши керак эди. Шу йилнинг июнь ойи бошларида Тошкентга, «Леспромхоз» бош директори В. С. Тюлкиндан телеграмма келди. Унда отряднинг қачон келиши сўралган эди. Ўша кунларнинг ўзидаёқ отряд аъзоларидан 2 киши яшаш жойи ҳозирлаб туриш учун Тюменга жўнаб кетди.

— 8 июль куни мўлжалланган жойга етиб бордик, — дейди отряд аъзоси Абдумутал Салбоев. — Бироқ бизга «Кимсизлар? Нега келдинглар?» дейдиган одам топилмади.

Эртасига маълум бўлишича, «Леспромхоз» бош директори В. С. Тюлкин 2 йиллик меҳнат таътилига чиқиб кетган экан. Унинг ўринбосари А. А. Носов (у ҳам шартномадан хабардор эди) ҳам бошқа ишга — посёлка Шўроси раислигига сайланибди. Командир ўрмон хўжалиги бош инженери В. В. Дудичга учрашишга мажбур бўлди. Шартномани кўрсатиб, болалар боғчаси, клуб, почта, магазинни таъмирлашга келишилганини айтди. У эса «Темир йўлни таъмирлашга борасизлар. Мен сизларга ваъда бермаганман» дейишдан нарига ўтмади.

Талабалар бу шартга кўнишмагач, шартнома бўйича ишлайдиган бўлишди. Аммо таъмирлаш учун ажратилган қурилиш материаллари қаёққадир ғойиб бўлган эди. Отряд аъзоларини 2-3 кишидан қурувчилар бригадасига қўшиб юборишди.

— Ўша куни ким тушликкача, ким 1-2 соат ишлай олди, — дейди отряд аъзоси Мамарасул Раҳимов. — Маҳаллий қурувчилар билан келишолмадик. Улар негадир, бизни — ўзбекистонликларни ёқтиришмасди. Буни ўзлари ҳам очиқойдин айтишарди.

— Ишга чиқмай қўйдик. На кундузи, на кечаси тинч қўйишди, — деб суҳбатни давом эттиради отряднинг бошқа бир аъзоси байналмилал жангчи Файзулла Дониёров. — Асоссиз ҳақоратлар тобора авжга минди. Ҳимоя қилишларини сўраб, маҳаллий ички ишлар органларига қилган мурожаатимиз ҳам эътиборсиз қолди. Иложсиз, қайтишга мажбур бўлдик.

«Леспромхоз»га меҳнат таътилини ўташ учун симферополлик талабалар ҳам келишган эди. Политехника институтида таҳсил оладиган 13 нафар талабага ҳамма шароит яратилгани, уларнинг сўзсиз иш билан таъминланганi қизиқ. Симферополликларга ҳатто, пашшага қарши суриладиган «мазь» ҳам беришди.

— Бундай икки хил муносабатдан ажабланасан, киши, — дейишади ўзбекистонлик талабалар.

«Марксчи» талабалар отряди аъзолари билан узоқ суҳбатлашдик. Улар бўлган воқеанинг ипидан игнасигача ҳикоя қилишди ва қўлимизга редакция номига йўлланган «билдириш»ни тутқазишди. Мақоламизни ундан олинган парча билан тугатмоқчимиз: «Бизга алам қиладиган томони, ерли аҳолининг «Тошкентдан русларни қувиб чиқараётганмишсизлар», «Кўча-кўйда ўзбекча гапирмаганларни бунга мажбурлашаётган экан», «Сизлар ҳақингизда марказий матбуот ва радио, телевидение ҳақ гапни айтишяпти»... дегани бўлди.

Қизиқ, Ўзбекистонда, қолаверса, Тошкентда бундай ҳол рўй берган эмас-ку. Нега ўзбек халқи номига турли бўҳтонлар ёғдиришмоқда!

Иттифоқ миқёсида биз — 19 кишидан иборат ёшлар отряди бир заррамиз, холос. Бизга ўхшаган талабалар отрядлари ҳозирда юзлаб, минглаб топилади. Айни кунларда, уларнинг аксарияти чекка ўлкаларда меҳнат таътилини ўташяпти. Балким, уларга ҳам бизга бўлган «муомала»ни қилишаётгандир! Бу ноҳақликларга чек қўйиш керак. Токи, инсон ҳамма жойда ўзининг тўлақонли инсон эканлигини ҳис қилсин».

Муҳаммад АМИН.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси Бюросида

18 июль куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг навбатдаги мажлиси бўлди. Бюро КПСС XXVIII съезди қарорларини рўёбга чиқариш юзасидан Марказий Комитетнинг биринчи галда бажарилиши лозим бўлган ташкилий-сиёсий тадбирларини тасдиқлади. Ушбу масалани муҳокама қилиш чоғида XXVIII съезднинг йўл-йўриқларини тарғиб қилиш, тушунтириш ва бажаришга оид барча ишларни иқтисодиётни ривожлантиришнинг энг муҳим вазифаларини, ижтимоий масалаларни ҳал этиш, жумҳурият ижтимоий-сиёсий турмушини демократлаштириш билан, миллатлараро муносабатлар кескинлигини пасайтириш ва ана шу муносабатларни такомиллаштиришга доир ишлар билан узвий боғлаб олиб бориш зарурлиги таъкидланди.

Марказий Комитет Бюроси партия комитетлари ва халқ депутатлари маҳаллий Советларининг вазифаларини фарқлаб олиш, сиёсий системада Советларнинг мавқеини ошириш юзасидан жумҳурият вилоятлари, шаҳарлари ва ноҳияларида амалга оширилаётган тадбирлар тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Мажлисда партия комитетларининг кўпгина биринчи котиблари Советларнинг раисларига тааллуқли ўз ваколатларини партия органлари орқали амалга оширишга уриниб, сиёсий калтабинлик қилаётганликлари таъкидланди. Улар вужудга келаётган кўп партиялилик шароитида реал ҳокимият органлари сифатида Советларнинг ролига етарли баҳо бермаслик қайта қуриш жараёнларига тўсқинлик қилишини ҳисобга олмаяптилар.

Советларга шу пайтгача партия гуруҳлари иши бошламаганлигини ҳам ҳеч йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолат, деб баҳолаш тасдиқланди. Бунинг натижасида депутат коммунистлар партия йўлини ўтказишда якқаланиб қолганлар.

Қабул қилинган қарорда Бюро КПСС XXVIII съездининг қарорларига мувофиқ вилоят, шаҳар ва ноҳия партия комитетлари зиммасига реал ҳокимият органлари Советлари билан мутлақо янгича ўзаро муносабатлар ўрнатиш юзасидан аниқ-равшан тадбирларни амалга ошириш вазифасини юклади. Улар барча даражадаги Советларда партия гуруҳлари фаолиятини жонлантириш вазифаси топширилди. Коммунистлар Советлар ишида иштирок этар эканлар, КПССнинг дастурий мақсадларига, ўз сайловчиларининг хоҳиш-иродасига амал қилишлари ва барча депутатларни бирдамлигига, сессияларда қабул қилинадиган қарорларнинг амалий руҳда бўлишига эришишлари зарур.

Қарорда партия комитетларига халқ ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органлари сифатида Советларнинг тезроқ қарор топишига кўмаклашишлари лозим эканлиги таъкидланади. Вилоят, шаҳар ва ноҳия партия комитетларининг Советлар раислари этиб сайланган биринчи котибларига халқ депутатлари маҳаллий Советлари ишининг долзарб муаммоларига эътиборни қаратиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг, аҳолининг энг муҳим эҳтиёжларини қондиришнинг барча вазифаларини улар орқали ҳал этиш таклиф қилинди.

Бюро Ўзбекистон ССР Олий Советининг коммунист раҳбарларига Советлар, улар комиссиялари раҳбарлари ва аппарат ходимлари ўқувини йўлга қўйишни, уларга доимий методик ёрдам беришни, ҳокимият маҳаллий идоралари билан алоқани мустаҳкамлашни тавсия этди. «Ўзбекистон ССРда маҳаллий ўзини ўзи бошқарув ва маҳаллий хўжалик тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишни жадаллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Мажлисда Марказий Комитет Бюросининг «Ўзбекистон Компартияси вилоят комитетлари аппарати структурасини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги 1990 йил 14 майдаги қарори қандай бажарилаётганлиги муҳокама қилинди.

Бюро вилоят партия комитетлари, Марказий Комитет бўлимлари ва ишлар мудирлигидан вилоят комитетлари аппарати структурасини қайта ташкил этишни шу йил 15 августгача бўлган муддатда тугаллашга оид шошилинч чоралар кўришни талаб қилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси жумҳурият ижтимоий-сиёсий турмушига оид, бошқа баъзи масалаларни ҳам кўриб чиқди.



ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ. Хива пиллакашлик фабрикасида меҳнаткашларнинг ижтимоий-маиший шароитларига катта эътибор берилмоқда.

СУРАТДА: пилла ўраш цехи ишчилари тушлик пайтида.

Ж. ҚОЗОҚОВ сурати.

ЙЎЛЛАРДА — БРЯНСК АВТОМАШИНАЛАРИ

«Бухараирстрой» трестининг Свердлов механизациялашган кўчма колоннасида қудратли юк автомашиналари пайдо бўлди. Улар мамлакатимизда ўтказилаётган конверсия сиёсати туфайли Брянск автозаводидан келтирилди. 480 от кучига эга бўлган автомашиналар энди ҳарбий юкларни эмас, халқ хўжалиги юкларини ташишга хизмат қилади. Уларнинг ҳар бири бир йўла 16 тонна юкни ташиши ёки ер қазийдиган оғир техникани шатакка олиши мумкин.

— «БАЗ» — ажойиб, ишончли автомобиль, — деб машинани қисқача таърифлади ҳайдовчи Ф. Санаев. У яқинда Брянскка бориб, шу машиналарда ишлашни ўрганиб қайтди. Энди у янги техникани ўзлаштиришда ўртоқларига ёрдам бераяпти.

«ДЎСТ ЮЗ, МИНГ БЎЛСА ОЗ!»

Бу сўзлар, айниқса, чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамияти учун дастуриламал десак, муболаға бўлмас. Бу жамият оммавий кўнгилли ижтимоий ташкилот сифатида Совет Иттифоқи билан чет мамлакатлар дўстлигини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ҳамда маданий ҳамкорликларни амалга оширишда баҳоли қудрат ўзининг салмоқли улушини қўшиб келмоқда.

— Жамиятимизнинг мақсади социалистик, ривожланаётган ва капиталистик мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, — дейди мазкур жамиятнинг маданият бўлими мудири Орифжон Рустамов. — Ўзбекистон дўстлик жамияти 900 дан ортиқ бошланғич ташкилотларни, шунингдек 25 бўлимни бирлаштирган. Жамиятимизда таниқли олимлар, ёзувчи ва шоирлар, санъат усталари, давлат ва жамоат арбоблари, ишчи, колхозчи, ёшлар хуллас турли касб эгалари кўнгилли равишда фаолият кўрсатишади. Жамиятимиз ўзининг матбуот органи — «Совет Ўзбекистони» мажалласига эга. У ўзбек, рус ва яна ўнга яқин чет мамлакатлар тилларида чиқарилади.

Бу ҳозирча жамият ҳақидаги энг қисқа маълумот холос. Мавриди билан унинг фаолиятига кенг тўхталамиз.

Кеча Совет — Ироқ дўстлиги кунлари қатнашчилари Москвадан Тошкентга келишди. «Аль-Байариқ» бадиий жамоаси, картиналар кўргазмачилари ҳамда давлат, жамоат вакилларидан ташкил топган, Ироқ Давлат Вазири Жаноб Аршад Аз-Зибири етакчилигидаги бу делегация 25 июлга қадар жумҳуриятимиз бўйлаб сафарда бўладилар. Улар Ўзбекистон халқига ўз санъат намуналарини намойиш этиш билан бирга кўҳна ва навқирон Тошкент, Бухоро ҳамда Самарқанд шаҳарларида бўлишиб, диққатга сазовор жойларни зиёрат қиладилар. Сафар давомида улар зиёлилар, меҳнаткашлар ва ёшлар билан учрашишади.

«Ўзбекистонимизга хуш келибсиз, ироқлик азиз дўстлар!» Жойларда меҳмонларни юртдошларимиз ана шундай илиқ сўзлар билан, турфа гуллар билан кутиб олишмоқда.

Ҳайдар АКБАР.

ВЛКСМ XXI СЪЕЗДИДАН КЕЙИН ЎЗБЕКИСТОН КОМСОМОЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БИРИНЧИ ДАРАЖАЛИ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ VIII ПЛЕНУМИ РЕЗОЛЮЦИЯСИ

Ўзбекистон ЛКЁИ МҚсининг Пленуми Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг мустақил, совет федерацияси ва жаҳон ҳуқуқий ҳамжамиятида муносиб ўрин олган социалистик суверен Ўзбекистонни барпо этиш йўлини маъқуллади. Партия съездининг Ўзбекистон ЛКЁИнинг ижтимоий-ташаббусларини партия томонидан қўллаб-қувватланиши тўғрисидаги сиёсий тавсияларини амалга ошириш, барча даражадаги партия қўмиталарида ёшлар билан ишлаш комиссиялари тузиш жумҳурият коммунист ва комсомолларининг сиёсий биродарлигининг мустаҳкамланишига ёрдам қилган бўларди.

КПСС XXVIII съездининг «КПССнинг ёшлар сиёсати тўғрисида»ги резолюцияси жумҳурият Компартия ва комсомолининг ҳамкорлигини сифат жиҳатдан янги даражага кўтаради. Шу муносабат билан Пленум Ўзбекистон ЛКЁИ МҚси Бюросига Ўзбекистон Компартияси МҚсига «Ўзбекистон Компартиясининг ёшлар сиёсати тўғрисида»ги махсус ҳужжатини тайёрлаб, қабул қилиш учун олиб киришини топширади.

Ўзбекистон ЛКЁИ МҚсининг Пленуми ВЛКСМ XXI съезди совет жамиятининг сиёсати ва иқтисодий системасини тубдан янгилаш шароитида муҳим қадам бўлди деб ҳисоблайди. Съездда коммунистик ва социалистик йўлдаги коммунистик ёшлар иттифоқининг федерация сифатидаги янги ВЛКСМ модели қабул қилинди, кейинги ўн йиллар мобайнида ВЛКСМнинг ўз ҳаракат мақсадлари баён этилди.

Шу билан биргаликда съезднинг, ВЛКСМ МҚси II Пленумининг қарорлари комсомолда турли хил мафкуравий ва сиёсий бўлинишлар юз бераётганини кўрсатди. Пленум комсомолни мафкурасизлантириш йўлини, КПСС билан сиёсий иттифоқликни чегаралашни қоралайди, Ўзбекистон комсомолининг ташкилий-сиёсий моделини, мустақил йўлини аниқлаш лозимлигини таъкидлайди.

1. ВЛКСМнинг дастурий мақсадларидан, жумҳурият ёш фуқароларининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон ЛКЁИ XXIV съезди муҳокамасига «Ўзбекистон ССРда давлат ёшлар сиёсати тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни лойиҳасини тайёрлаш ва қўйиш мақсадга мувофиқ деб саналсин. Қонун лойиҳасини тайёрлаш бўйича Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси Комиссияси таркиби тасдиқлансин (илова қилинмоқда).

2. Ўзбекистон ССР Олий Кенгашига Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг ёшлар ишлари бўйича Қўмитаси билан ҳамкорликда «Ёшлар ижтимоий хизмати» жумҳурият дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш таклифи киритилсин. Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси қошидаги комсомол кадрлари малакасини ошириш институти ёшлар муаммоларини илмий тадқиқ қилиш фонди билан ҳамкорликда бу йўналишда назарий ва тажриба-экспериментал ишлари ташкил қилинсин. Навоий шаҳридаги «Ориентир» ёшлар корхоналари бирлашмаси базасида Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси қошидаги ижтимоий ташаббуслар база марказ тузилсин.

3. Ёшларнинг фан-техника ижодкорлиги, ёшларнинг уй-жой комплекслари, меҳнат бирлашмалари ҳаракатлари системаларини ривожлантириш тажрибасидан фойдаланиб, жумҳурият комсомол қўмиталарига ижроқўмлар билан ҳамкорликда ёшларнинг ҳудудий ижтимоий хизматларини тажриба тариқасида тузиш, унга ижтимоий йўналишга эга бўлган ёшларнинг хўжалик ҳисобидаги бирлашмаларини уйғунлаштириш ишларини бошлаш тавсия этилсин.

Солиқ тўғрисидаги СССРнинг янги қонунчилигини жорий этилиши муносабати билан ёшлар хўжалик ҳисобидаги корхоналарининг маҳаллий бюджетларга ўтказган солиқларидан ёшларнинг маълум мақсадга йўналтирилган музофот ижтимоий дастурларини пул билан таъминлаш учун фойдаланиш тўғрисида Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон ССР Олий Шўроси, Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши адресига таклифлар тайёрлаш ва киритиш зарур деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси қошидаги комсомол ходимлари малакасини ошириш институтини ёшларнинг жамоат давлат Институтига айлантириш, унинг базасида ёшларнинг ижтимоий хизматлари ходимлари, ижтимоиётчилар, сиёсатшунослар, ёшларнинг хўжалик ҳисобидаги корхоналари учун ҳуқуқшунослар ва иқтисодчилар тайёрловчи кадрларларга олий таълим берувчи бир, икки йиллик курслар очиш таклифи билан Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашига чиқилсин.

Жумҳурият комсомоли фаолиятини, унинг Ўзбекистон ССРнинг ёшлар сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ишини илмий таъминлашни такомиллаштириш учун комсомол ходимлари малакасини ошириш институти (Ёшлар институти) структурасида ёшлар муаммолари илмий-тадқиқот марказини тузиш масаласини ҳал қилиш Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси Бюросига топширилсин.

5. Бутуниттифоқ комсомолларии XXI съезди ва ВЛКСМ Марказий Қўмитаси II Пленуми қарорларига мувофиқ «Ўзбекистон ЛКЁИда ҳужжатлар билан ишлаш тўғрисида»ги, Ўзбекистон ЛКЁИга аъзолик бадалларини тўлаш тўғрисида»ги кўрсатмаларни ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон ЛКЁИнинг сайлаб қўйиладиган органлари тасдиғига қўйиш зарур деб ҳисоблансин. Улар қабул қилингунча олдин белгиланган ҳужжатларга амал қилинсин.

Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси Бюроси комиссиялар билан ҳамкорликда 15 августгача тегишли ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқсин ва уларни вилоят, шаҳар, ноҳия комсомол ташкилотларига муҳокама учун юборсин.

6. Ёшлар ҳаракатини ривожлантириш, парламент фаолияти даврида позицияларни уйғунлаштиришга муҳим аҳамият бериб, ёшлар ташкилотлари ташаббуси ва жумҳурият таклифларини ҳисобга олиб, Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси Бюросига:

— Ўзбекистон ССР Ёшлар Ташкилотлари Қўмитаси билан ҳамкорликда Ўзбекистон ССР Олий Шўросига қонун лойиҳаси тақдим этиш тартибида «Ўзбекистон ССР Олий Шўроси қошида ёшларнинг консультатив кенгашини тузиш тўғрисида»ги қарор лойиҳасини киритиш;

— Ўзбекистон ССР Олий Шўросига сиёсий ва иқтисодий мустақил Ўзбекистон ССР ёшлар ташкилотлари қўмитаси (ёки федерацияси) тузиш тўғрисида таклиф киритиш;

— Ўзбекистон ССР ёшлар ташкилотлари Қўмитасининг (ЎЕТҚ) умумий йиғилишига Ўзбекистон ёшлар ташкилотларининг (ЎЕТҚ доирасида) ёшларнинг маълум мақсадга йўналтирилган ижтимоий дастурларини амалга оширишда ҳамкорлиги тўғрисидаги шартнома лойиҳасини тайёрлаш ва киритиш топширилсин. Ўзбекистон ССР Ёшлар Ташкилотлари Қўмитаси фаолиятида Ўзбекистон комсомолининг молиявий, моддий-техникавий иштироки шартномада кўзда тутилади.

7. ВЛКСМ Устави ва ВЛКСМ XXI съездининг «Комсомол ва кашшофлар ташкилотлари» резолюциясидан келиб чиқиб Марказий Қўмита Пленуми ўз атрофига болалар, ўсмирлар ва кашшофлар ташкилотида доимо ёки жамоатчилик асосида ишлаётган катталарни бирлаштирган В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон жумҳурият кашшофлар ташкилотининг мустақил бўлиб уюшиши тарафдори. Ўзбекистон ЛКЁИ ва В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон жумҳурият кашшофлар ташкилоти ҳамкорлиги тўғрисидаги шартнома лойиҳасини тайёрлаб Ўзбекистон ЛКЁИ XXIV съездига қўйиш Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси Бюросига топширилсин. Марказий сайлов органларида ўзаро вакиллар бўлиши, кашшофлар ташкилотларига моддий-техника ва молиявий ёрдам кўрсатиш, «Ленин учқуни», «Пионер Востока» рўзномалари, «Гулхан» мажалласидан келган фойдани унга ўтказиш масалалари шартномада кўзда тутилсин.

8. Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашининг 1990 йил 14 мартда қабул қилинган ёшларнинг инновацион тижорат банки тузиш тўғрисидаги 137-сонли қарори ва Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси Бюросининг 1990 йил 31 мартда қабул қилинган Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси қошида ёшларнинг тижорат жумҳурият банкини тузиш тўғрисидаги Б-47/19 сонли қарори қўллаб-қувватлансин. Ёшларнинг инновацион банки бошланма жамғармасига 100 минг сўм, ёшларнинг тижорат жумҳурият банки бошланма жамғармасига 3 миллион сўм ўтказилсин. Вилоят, шаҳар ва ноҳия комсомол қўмиталарига ёшларнинг тижорат жумҳурият банкига пайчи бўлиб киришлари таклиф этилсин.

9. ВЛКСМ XXI съездидан кейинги янгича шароитлар ва фаолият қирраларига Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси аппарати ташкилий тузилишини мувофиқлаштириш учун Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси Бюросига штат рўйхатларига ва фаолият мажбуриятларига зарур ўзгаришлар киритиш, Марказий Қўмита аппаратини унда ишловчилар сонини кўпайтирмаган ҳолда янада ихчамлаштиришни назарда тутган қайта тузишни амалга ошириш топширилсин.

Ўзбекистон ЛКЁИ МҚ аппаратини қайта тузиш Комиссиясига Ўзбекистон комсомоли корхоналари фаолияти миқёслари кенгайиб бораётганлиги, бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасида комсомол иқтисоди бўлимини тузиш мақсадга мувофиқ ёки йўқлиги ўрганиб чиқилсин ва жумҳурият ЛКЁИ МҚнинг навбатдаги Пленумига кўриб чиқиш учун киритилсин.

10. Марказий Қўмита Пленуми Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси «Спутник» халқаро ёшлар туризми бюросининг (ҲЁТБ) ВЛКСМ Марказий Қўмитаси «Спутник» ҲЁТБ Марказий Кенгашига нисбатан тўла иқтисодий мустақиллигини таъминлаш зарур деб ҳисоблайди. «Спутник» ҲЁТБ Марказий Кенгаши олдига Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси «Спутник» ҲЁТБси билан шартномавий муносабатларни қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги масала қўйилсин. Унда Ўзбекистон ЛКЁИнинг ёшлар туризмидан тушган даромадлардан ҳиссасини ошириш, валюта ҳисобида даромадлар олиш имкониятини таъминлаш кўзда тутилсин.

11. Жумҳурият комсомол ташкилоти фаолиятига маблағ ажратишнинг бўлажак қисқариши муносабати билан МҚ Бюросига ВЛКСМ МҚси билан вақтинча чет элда ишлаётган Ўзбекистон ЛКЁИ аъзоларининг аъзолик бадалларини жумҳурият комсомол ташкилоти бюджетига ўтказиш масаласини ҳал қилиш топширилсин.

ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ VIII ПЛЕНУМИ ҚАРОРИ

«ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТ КОМСОМОЛ ТАШКИЛОТИДА ВЛКСМ АЪЗОЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ВА КОМСОМОЛ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТОПШИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЙЎРИҚНОМА ҲАҚИДА

1. «Ўзбекистон жумҳурият комсомол ташкилотида ВЛКСМ аъзоларини ҳисобга олиш ва комсомол ҳужжатларини топшириш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон ЛКЁИ МҚ Йўриқномаси қўллаб-қувватлансин (илова қилинади).

2. «Ўзбекистон жумҳурият комсомол ташкилотида ВЛКСМ аъзоларини ҳисобга олиш ва комсомол ҳужжатларини топшириш тартиби тўғрисида»ги Йўриқнома 1990 йил 1 ноябрдан Тошкент вилоят комсомол ташкилотида кучга киритилсин, бошқа вилоят комсомол ташкилотларига ҳисобга олишнинг янгича шаклларига ўтиш муддатини мустақил белгилаш ҳуқуқи берилсин.

3. Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасига алоҳида ҳолларда «Ўзбекистон жумҳурият комсомол ташкилотида ВЛКСМ аъзоларини ҳисобга олиш ва комсомол ҳужжатларини топшириш тартиби тўғрисида»ги Йўриқномасига ўзгаришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга рухсат берилсин.



Бахтиёр Икромов Сирдарё вилояти Оқолтин ноҳиясининг Усмон Юсупов номидаги давлат хўжалигида ишлайди. У меҳнат қилаётган агроучасткада 778 гектар ерга пахта экилган. Ўтган йил Бахтиёр гектаридан 30 центнердан ҳосил олиб планни бажарганди. Бу йил ҳам шундай кўрсаткич мўлжалланмоқда.

СУРАТДА: Бахтиёр Икромов.

В. ТЎРАЕВ сурати.

ХАЛҚ МАБЛАҒИ ҲИСОБИДАН УЙ-МУЗЕЙ

Андижон вилоятининг Пахтаобод ноҳияси аҳолиси ўз юртдоши, Ўзбекистон халқ шоири Зокир Холматов (Ҳабибий) туғилган куннинг 100 йиллигини сўз устасининг уй-музейини очиш билан нишонлашга қарор қилди. Уй-музей ҳашар йўли билан бунёд этилади.

Теварак атрофдаги қишлоқлардан келган кўнгиллилардан қурилиш бригадалари тузилди. Улар бўш вақтларида, дам олиш кунлари мазкур иншоотда ишлаш хоҳишини билдирдилар. Уй-музей Пахтаободнинг ўзида жойлашган. Қурилиш жамғармасига вилоят муаллимлари, бир қанча маданият арбобларидан дастлабки хайрия пуллари тушди.

Вилоятнинг турли ерларида ўтказилаётган адабий кечалар, китобхонлар конференциялари, шоирнинг қаламкаш дўстлари билан учрашувлар юртдошимизнинг бўлажак юбилейига бағишланган.

ҚЎРИҚ ПОСЁЛКАЛАРИГА — «ЗАНГОРИ» ЁҚИЛҒИ

Ўзбекистон билан Туркманистон чегарасида, Ўрта Осиёдаги энг катта Толимаржон ГРЭСи қурилиши яқинида жойлашган ёш «Нуристон» чўл посёлкасини газлаштириш бошланди. Хонадонлар учун «зангори» ёқилғи Шўртан конидан келади.

Бу воқеа Қашқадарё вилояти учун муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки айни ободончиликнинг ва маиший қулайликларнинг, шу жумладан табиий газнинг йўқлиги Қарши чўлидаги кўпгина қўриқ посёлкаларни яшаш учун яроқсиз қилиб қўйди ва янги кўчиб келганларни бу ердан кетиб қолишга мажбур қилди.

«Каршистрой» бирлашмаси қурувчилари ҳозир қўриқ посёлкаларини газ билан таъминловчи қувурларни тез суръатлар билан ўтказмоқдалар. Ихтисослаштирилган бўлинма — 10-махсус механизациялашган кўчма колонна ташкил қилинди. Унинг вазифаси шу йилнинг ўзидаёқ Қарши чўлида 210 километр газ қувури ётқизишдан иборатдир. Шартномаларга мувофиқ улар учун қувурларни Россия федерацияси — Саратов, Волгоград вилоятлари ва Татаристон АССРдаги корхоналар етказиб беради.

Хорижлан хабарлар

Телетайп лентасидан

БМТ. БМТ Бош Ассамблеясининг яқинда бўладиган 45-сессияси кун тартибига 150 дан зиёд масалани киритиш таклиф этилмоқда.

Масалаларнинг БМТ котибати тайёрлаган ва дастлабки тарзида эълон қилинган рўйхатида халқаро кун тартибидаги барча ядро синовларини тўхтатиш, ядро қуролидан ҳоли бўлган зоналар ташкил қилиш, космосда қуролланиш пойгасининг олдини олиш, кимёвий қуролларни таъқиқлаш каби муҳим мавзуларга катта ўрин берилган. Шунингдек, БМТнинг бу муаммоларнинг ҳал этилишидаги роли ва мазкур универсал халқаро ташкилот кўп томонлама қуролсизланиш ишида назоратчилик вазифасини бажариши тўғрисидаги масалани ҳам муҳокама қилиш таклиф этилаяпти.

ПРАГА. Словакиянинг Бановец-бебрава шаҳрида ҳарбий жиноятчи, Словакия Клерикал-фашист давлатининг собиқ Президенти Йозеф Тисо шарафига очилган ёдгорлик тахтаси кўчириб ташланди.

У одамлар кўз ўнгида атиги бир неча кун турди. Шу кунлар ичида Чехословакия жамоатчилигининг, етакчи сиёсий фирқалари, ҳаракатлари ва ташкилотларининг қатъий норозилиги тинмади. ЧСФЖ Федерал мажлисининг ҳар икки палатаси, Словакия ҳукумати, Словакия миллий кенгашининг президиуми бу ишни қаттиқ қоралади. Йозеф Тисо деярли 60 минг Словакия гражданларини ҳаётдан кўз юмишларига сабабчи бўлган. Булар, аввало, нацистлар концентрацион лагерларига жўнатилган ва у ерда газ камераларида қийналиб жон берган яхудийлар ва лўлилардир.

БЕРЛИН. Демократик социализм партияси ГДЖ ва ГФЖ ҳукуматларини Ягона Германиянинг НАТОга аъзо бўлиши тўғрисидаги масала юзасидан умумгермания референдуми ўтказишга даъват этди. Бу даъват ДСП бошқарувининг СССР Президенти М. С. Горбачев билан федерал канцлер Гельмут Коль ўртасидаги учрашув якунлари тўғрисида эълон қилинган баёнотида келтирилган.

ДСП канцлер Г. Колнинг ГДЖ билан ГФЖнинг мавжуд чегараларини бўлажак Германиянинг чегаралари деб тан олиш ҳамда унинг куролли кучлари миқдорини қисқартириб, уни уч-тўрт йил ичида 370 минг кишига тушириш ниятини қутлади.

КУБАДА СУД БОШЛАНДИ

ГАВАНА (ТАСС мухбири Сергей КУТИКОВ). Сешанба куни Гаванада кубалик ўн бир киши устидан суд бошланди. Улар террорчиликда, исёнга тайёргарлик кўриш, қурол ва портловчи моддаларни яширин тарзда сақлаганликда айбланадилар. Улар, шунингдек, жумҳурият хавфсизлигини қўпоришга қаратилган бошқа жиноятлари учун ҳам қонун олдида жавобгардирлар, деб хабар қилади Пренса Латина агентлиги.

Прокуратура тақдим этган ҳужжатларга кўра судланувчилар ўз фаолиятларини ўтган йилнинг аввалида бошлашган. Улар ўшанда «Кубада инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ёшлар уюшмаси» деб аталган уюшмага асос солган эдилар. Прокуратура маълумотларига қараганда улар, жумладан, миллий кутубхона билан Куба радиоэшиттириш ва телевидение институтида қўпорувчилик ҳаракатларига тайёргарлик кўришган.

Прокурор судланувчиларни турли муддатга — тўрт йилдан 16 йилгача қамоқ жазосига ҳукм қилишни талаб этди.



«МОН ЦАМЭ» агентлигининг хабар беришига кўра Мўғулистонда 20 га яқин миллат яшайди.

СУРАТДА: Халга миллатига мансуб бу аёл қадимги миллий кийимида.

МУКОФОТ ТАЪСИС ЭТИЛДИ

ЛОНДОН, (ТАСС). Америкалик геолог Миллер Куарлес ўзи таъсис этган мукофот фондига маблағ қўшишга рози бўладиган ҳомийларни изламоқда. Мукофот пули инсон умрини икки баравар узайтириш йўлини топган одамга берилади. «Агар бунга муваффақ бўлинса, бу барча даврлардаги энг буюк кашфиёт бўлур эди», — дейди Рейтер ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда Техас штатидаги Хьюстон деган жойда яшовчи геолог.

«Куарлес мукофоти» ҳозирча 100 минг долларни ташкил этади. Бу одатдан ташқари лойиҳа ташаббускорининг ўзи эҳсон эта олган пул, холос. Шунинг учун ҳам у катта мукофот мазкур муаммони ҳал этишга олимларни янада қизиқтириши учун бу ишга йирик маблағ сарфлай оладиган одамларни изламоқда. Куарлеснинг айтишича, у даставвал кексайиб қолган миллионерларга мурожаат қила бошлаган. Уларнинг баъзилари геологнинг ғоясига бир мунча қизиқиб қолган, лекин пул чиқаришга шошилишмаяпти.

Қариш муаммосининг истиқболли ечими баён этилган аризаларни топшириш муддати 2000 йил 1 январда тугайди. Агар бунинг учун махсус тўпланган мутахассислар комиссияси ғояларнинг бирортасини ҳам ҳаётий деб қувватламаса, унда, деб алоҳида таъкидлайди Куарлес, барча мутасаддилар ўз пулларини қайтариб оладилар.

Бироқ, фикримизча, улар одатдан ташқари конкурсда ҳар қалай бирор киши ғолиб чиқишини афзал кўрган бўлур эди.

БУЮРТМА АСОСИДА

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ходимларидан етмиш беш киши Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг вилоят марказида очилган филиалининг кундузги бўлими талабалари бўлишади. Шу пайтгача бу ерда фақат кечки ва сиртқи бўлимлар бор эди.

Жамоатчилик фикрини сўраб билиш, халқ хўжалиги тармоқлари эҳтиёжларини ўрганиш бундай мутахассислар ғоят зарур эканлигини кўрсатди. Натижада вилоят маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси газламалар, трикотаж, кийим-кечак технологияси муҳандисларини, тайёрлаш тўғрисида пойтахт олий ўқув юртининг Андижон филиали жамоаси билан шартнома имзолади. Буюртмачи ўз навбатида бўлажак талабаларга бутун ўқиш даврида стипендия ва ҳар бир талаба учун институт филиали кассасига дастлабки бадал тўлаш мажбуриятини олди.

ЎЗБЕКИСТОНЛИК МУСАВВИРЛАР ХОРИЖДА

Тошкентдаги «Мусаввир» деб номланган халқ санъати маркази усталарининг бир группаси Германия Федератив жумҳуриятидаги Ганновер шаҳрига қилинган ижодий сафардан қайтдилар. Моҳир ўзбек усталари маҳаллий мусаввирлар уюшмаси илтимосига кўра у ерда ташкил этилаётган шаҳар кўргазмаси залларини безашда ўз ижодлари билан қатнашадилар.

Москвадаги халқаро савдо кўргазмасида илгари келишиб олинганидек, ўзбекистонлик моҳир усталар яна Италия, Англия ва Голландия каби хорижий мамлакатларда ҳам бўлиб, тажриба алмашишади.

ШАХСИЙ ХЎЖАЛИКЛАР УЧУН

Боғдод ноҳиясидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги бедазорларида етиштирилган озуқа ортилган аравалар бир неча жойга жўнатилмоқда. Уларнинг баъзилари хўжалик фермаси томон, бошқалари қишлоқ аҳолиси томорқаларига бораяпти. Бу ерда шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантиришга, уларни ем-хашак билан таъминлашга катта масъулият билан қаралмоқда. Нархлар қиммат эмас. Чунончи, бир килограмм жўхори кўк массаси хўжаликка бир ярим тийинга, бир килограмм буғдой ёки жавдар сомони бир тийинга тушмоқда.

Бу йил хўжалик шахсий хўжаликларга 400 тонна беда, сомон ва бошқа озуқа сотади. Уларни тайёрлаш тармоқнинг ижарага ўтказилиши ҳисобига кўпаймоқда.

Ноҳиядаги бошқа хўжаликларда ҳам озуқа сотилмоқда. Боғдод ноҳияси қишлоқлари аҳолисига маккажўхори силоси ва донини ҳисобга олмаганда, тўрт минг тоннадан кўпроқ янги ўрилган беда ва дағал хашак сотилади.

(ЎзТАГ).

Фарғона вилояти.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ЧЕКДИНГМИ! ҚАМОҚХОНАГА!

● ФИЛИППИН ҲУКУМАТИ ЖАМОАТ жойларида чекишни тақиқлаш ҳақида декрет қабул қилди. Энди стадионларда, кинотеатрларда ва ресторанларда чекканларга 5 кундан 7 кунгача қамоқ жазоси қўлланилади. Филиппинликлар бу тақиқни назарларига илмадилар ва натижада барча қамоқхоналар тўлиб тошиб кетган. Икки кишилик камераларга олти кишини жойлаштиришга тўғри келяпти, деб ҳикоя қилади Булғориянинг «Паралелли» жаридаси. Манила ҳукуматига эса қамалганлар эмас, балки уларни эплай олмаётган қамоқхона директорларидан норозилик мактублари келиб турибди.

ДУШАНБА — ОҒИР КУН

● ҒАРБИЙ ГЕРМАНИЯНИНГ Бенсхайм деган жойида яшовчи Вилли Замстаг ўзига ажойиб ва ноёб машғулот топиб олган.

Унинг фамилиясининг мазмуни таржима қилинганда «шанба»ни билдирганлиги учун турли маълумотномалардан худди ўзига ўхшаб ҳафта кунларини билдирадиган одамлар рўйхатини қидириб топган. У ўзининг бу танишлари билан хат ёзишиб турган, совғалар юборган ва суратларини алмаштирган.

Яқинда Вилли Замстаг Фрида Монтагга (душанба) уйланган. Бу мюнхенлик аёл билан у деярли бир йил хат ёзишиб турган. Шундай қувончли кун бўлишига қарамай, тўйдан сўнг унинг хотини: «Болаларга хос бўлган бу қилиғингни йиғиштир! Ўзингга бошқа машғулот топ» деб қатъий буюрган.

Бу ҳақда «Берлингер цайтунг» (ГДЖ) рўзномаси ҳикоя қилган.

ТОВУҚЛАР УЧУН РАНГЛАР

● ПОЛЬШАЛИК МУТАХАССИСЛАР уй ҳайвонлари ва паррандаларига уларни боқувчиларнинг кийган кийимларининг ранги қандай таъсир кўрсатишини ўрганиб чиқдилар.

Маълум бўлишича, тўқ ҳаво рангли кийим анча яхши экан. Қовоқ ранг уй паррандаларини нотинчлантирар экан. Товуқхоналарда, ўрдак, ғоз, курка боқиладиган жойларда ишловчилар қора ва жигарранг кийимларни мутлақо киймаганлари яхши экан, деб хабар беради «Дзенник людови» (Польша) рўзномаси.

Фалокатдан сўнг...

ЗАРБА КУЧЛИ БЎЛДИ. Бахмалгулнинг ўнг оёғи чўрт узилиб, терисига илашиб қолди. Чап қўл суяклари ва бирданига бешта қовурғаси синди. Лекин қиз жилмаяр, табассумла, бир нима демоқчи бўлар, аммо бунинг уддасидан чиқишга қурби етмасди. Бу ўлимнинг илк даракчиси, жон берувчининг ҳаёт билан ўзига хос видолашуви эди. Бироздан кейин у ҳушидан кетди. Уйига хабар қилишди.

Фарёд, йиғи овози чор-атрофни ларзага келтирди. Кимдир ўзини отиб йиғлади, бошқа биров марҳумани бағрига олиб, кўз ёшлари билан унинг жонсиз бетини ювди. Кутилмаганда мўъжиза рўй берди. Шифокорнинг сезгир чеҳраси, қалби ниманидир илғаб олди. Бахмалгулнинг жонсиз баданига ҳаёт аломатини қайд этувчи машинанинг симли қўллари уланди. Экранда кўкимтир ёруғлик теграси узра кичкинагина юлдузсимон ёруғлик пайдо бўлди. Мана, у олға интила бошлади. Тегара охирига боргач сўниб, бошқатдан янгиси пайдо бўлди...

— Йиғини бас қилинглар, ахир у тирик-ку! — деди шифокор Р. Кутлимуродов, уввос солаётганларга.

Кун чошгоҳга борганда Бахмалгул кўзини очди:

— Нега мен бу ерда ётибман. Ахир ҳеч ерим оғриётгани йўқ-ку!

Кимдир: — оғриқ ниҳоятда зўр бўлса, уни одам сезмайди, деди.

Бахмалгулнинг бахтсиз ҳодисадан кейин ямаб-ясқаб қўйилган қўлоёқ, ва қовурғаларини «парваришлаш» бошланди. Бунақа «парвариш»лар чоғида қўзғаладиган оғриқни тасвирлашга сўз йўқ. Лекин, Бахмалгул миқ этмайди. Қайта-қайта сўрашса-да, ҳеч қандай оғриқ сезаётганим йўқ, деб жавоб қилади.

Шифокорлар кейинчалик англаб етишди: оғриқни сезмасликка сабаб унинг танасидаги битмас-туганмас илоҳий, қудрат-биоток экан.

— Ҳақиқатан ҳам шу илоҳий кучингиз туфайли омон қолганмисиз, — сўраймиз Бахмалгулдан.

— Йўқ, мийиғида кулиб дейди у, — ахир ўйлаб кўринг, буткул узилиб тушган оёғимни, абжағи чиққан қўлим ва қовурғаларимни ким созлаб жойига солиб қўйди! Бунақа пайтда руҳинг бўлса-ю, танинг бўлмаса. Бу жуда кулгули-ку! Ким ҳам танасиз яшай оларди. Шунинг учун ҳам шифокорлар — менинг ҳақиқий халоскорларим. Мен ва оиламиз бир умр улардан миннатдор, қарздормиз.

— Бахмалгул, демак шифокорлардан биргина сиз эмас, балки ҳар куни ҳузурингизга ташриф буюраётган ўнлаб беморлар, ҳозиргача сеҳрли бармоқларингиз таъсирида дарддан фориғ бўлган ўн мингга яқин кишилар ҳам ўзларини қарздор ҳисоблашлари мумкин. Негаки, улар сизни ўзлари учун, ҳаёт учун асраб қолишган.

Шовот шаҳридан чиқиб, кунчиқар тараф юрар экансиз, Киров номли жамоа хўжалигининг иккинчи бригадаси қарамоғидаги турнақатор уйлардан иборат қасаба рўпарасидан чиқасиз. Уйлар тугаб, далалар бошланадиган сўлим жойда—Бўйрачи йўлининг чап бетида Бахмалгулларнинг пастқам уйи жойлашган. Ҳовли олдидаги чоғроқ майдончада катта-кичик машиналар. Даволанишга келганлар кўпчиликни ташкил этади.

Хонадон соҳиби Исмоил ака, бизни очиқ чеҳра билан кутиб олди.

Ўтирганларга разм соламан. Ташвишли, дардли, сўлғин ва ногирон.

Тошҳовузлик Пошша Нурматова қуйидагиларни сўзлайди:

— Дўхтирларга бир йил қатнаб, наф кўрмадим. Дори-дармонларнинг фойда-зарарини ҳам сезганим йўқ. Суяк бўғинларимнинг фаолиятини бошқариб турадиган асаб толалари ишдан чиққан экан. Бахмалгулнинг ҳузурига қўлда кўтариб олиб келишди. Тузалдим. Ҳозир мендан бахтиёр аёл йўқ дунёда.

Навбатдаги «бемор»ни суҳбатга тортиш анча мушкул бўлди. У нимадандир ийманарди.

— Бу киши умр йўлдошим, —деди у ниҳоят ўзини бироз қўлга олиб, ёнида ўтирган 23—24 ёшлар чамасидаги ёш жувонни кўрсатиб. Шириной билан 1985 йилда турмуш қурдик. Лекин ҳадеганда фарзанд кўравермадик. Мурожаат қилмаган шифокорларимиз қолмади, ҳисоб. Кунларнинг бирида Бахмалгул ҳақида эшитиб қолдик. Ўшанда 1989 йилнинг боши эди. Бахмалгулнинг «сеҳрли қалби» тез орада ўз ҳунарини кўрсатди. 1989 йилнинг 18 октябри эсимизда умрбод сақланиб қолади. Худди шу куни суқсурдай ўғил кўрдик. Исмини Бахмалгулнинг ўзи танлади: Дониёр. Ҳозир эса бир фарзандимиз икки бўлсин, деган умид билан келганмиз.

Рўпарамда эндигина балоғат ёшига қадам қўяётган, чеҳраси бир қадар сўник қиз ўтирибди.

— Миянинг ўткир шамоллаш хасталигига дучор бўлгач, қатор бошқа касалликларга чалиндим, — ҳикоя қилади у ғоят содда ва бурро тил билан. — Касалликнинг дастлабки хуружи кўтарилар-кўтарилмас қўл ва оёқларим шол бўлиб қолди. Тилим тутилар, авзойи-баданим тинимсиз қалтирарди. Шу орада ошқозон яллиғланиши ва суяк бўғинларининг шамоллаш дардлари ҳам зуғум қила бошлади. Касалхоналардаги етти ойлик даволаш-муолажа тадбирлари натижа бермади. 1988 йилда Шовотдаги ёш физиклар ва математиклар мактаб-интернатини аъло баҳоларга битказар эканман, қалбимни бир олам эзгу орзу-умидлар қуршаб олганди. Олий ўқув юрти талабаси бўлишга астойдил инонган эдим. Афсус, орзу-орзулигича қолиб кетди. Тўшакка михланиб қолдим. Энди ҳаётнинг ҳамма неъматларига даъвогарман. Бу йил албатта институтга кираман, — дадилона гапиради Инобат.

Маълум бўлишича, уни даволаш Бахмалгулдан ниҳоятда катта куч ва маҳоратни талаб этган. Ҳаётга эндигина қадам қўяётган ёш қизнинг баданига кириб олган ўнга яқин дардни чиқариб олиш учун оз эмас, етти ой вақтини сарф этибди.

Бахмалгулнинг беморларни қабул қилиш хонаси. Оддий ўзбек кулбаси. Хонанинг четида усти клёнка билан ёпилган стол, ёнида стул, кресло, ёнма-ён диван. Хонага кўрпачалар тўшалган. Бахмалгул дастлабки беморни ҳузурига таклиф этади, узала тушиб ётишини сўрайди. Кичкина қўлчаларининг бадан бўйлаб ҳаракати. Мана бармоқлари олдинга интилишдан тўхтади. Бирор сониядан кейин яна ҳаракатни давом эттирса керак... Йўқ. Бахмалгулнинг бармоқлари гўёки тошдек қотиб қолди. Қимирлаш йўқ.

...Бир, икки, уч, йигирма дақиқа,... ярим соат ўтса ҳамки Бахмалгул миқ этмайди, қўллар ҳамон ҳаракатсиз. Ниҳоят унинг лабидан бир сидра сўз сирпаниб чиқди:

— Сизни безовта қилаётган худди мана шу жойингиз. — Бемор аёл қизнинг сўзларини тасдиқлади.

Муолажа чоракам бир соат деганда тугади.

— Хўш, нимани сездингиз? —сўраймиз хаста аёлдан. Аввалига ҳеч нарсани. Оғриётган жойга келгач эса ўша ернинг бироз қизиётганини ҳис этдим.

Хонага навбат кутаётганлардан икковлони кириб келди. Бахмалгул уларнинг ҳар икки томонга узала тушиб ётишга ундади. Ўзи эса иккала беморнинг ўртасига чўккалади. Бу гал «сеҳрли бармоқлар» тана бўйлаб югурмади. Аксинча йигит ва қиз жисмининг муайян бир нуқтасига михланганча қолди.

«Бемор» йигит ва қиз чиқиб кетгач, Бахмалгул деди:

— Ҳалиги аёл қабулимга биринчи бор келган. Унинг касалини ахтариб топишим керак. Шунинг учун қўлларим билан уни танадан излаб топдим. Улар биринчи марта эмас, тўртинчи марта келишди. Дардини аввал аниқлаганман. Шу боис қўлларимни тана бўйлаб ҳаракатлантирмасдан тўппа тўғри «касал» нуқтага қўйиб қўйдим. Биоток қўл орқали бемор баданига ўтиб таъсир этади.

Бахмалгулнинг ҳузурига беморлар бирин-кетин кириб чиқиб ўтиришибди. Уларнинг кети узилмайди.

Пайтини топиб, Бахмагулга яна бир неча савол бердим.

— Қачондан даволай бошлагансиз?

— Баданимдаги «каромат»ни ҳаммада бўладиган оддий ҳодиса деб қараб келганман. 1986 йил қаттиқ қўрқувдан палаж бўлиб қолган қўшнимиз Ҳалимани даволадим. Ҳаммаси шундан бошланди.

— «Сеҳрингиз» таъсир қилмаган беморлар кўпми?

— Ҳа анча бор. Лекин, булар кимлар? Уларнинг қарийб ҳаммасини маслаҳатимга амал қилмаганлар ташкил этади. Бундан ташқари, ичувчилар, чекувчилар, дори-дармонларга ҳаддан зиёд берилганларни даволаш жараёни жуда қийин кечади. Бундай касалларнинг кўпчилиги биринчи муолажадан кейин касаллик хуружини анча кучайганини сезадилар. Чунки, ичиш, чекиш, бўлар-бўлмасга истеъмол қилинган дори-дармонлар билан бемор танасига кирган биоток ўртасида қаттиқ «жанг» бошланади. Қайси томон кучли бўлса, ўша ғолиб чиқади. Бундай ҳолларда оғирлашганига қарамай касалларимни олдимга ҳар куни келишга даъват этаман. Биоток билан узлуксиз даволаш туфайли одатда биз ғалабага эришамиз.

— Айтинг-чи, Муяссар Шарипова билан даволаш усулларингизда фарқ борми?

— Йўқ десам ҳам бўлаверади. Аммо, шундай ҳоллар ҳам бўладики, мен даволай олмаган касаллар Муяссардан шифо топадилар. Ўз навбатида у даволай олмаганларни мен соғайтирган ҳоллар кўп бўлган.

— Оилангиз ҳақида гапириб берсангиз?

— Шовот қалъа қишлоғида оиламизни яхши танишади. Отам Исмоил Жуманиёзов узоқ йиллар жамоа хўжалигида ишлаган. Ҳозир пенсияда. Онам ҳам. Ўзим ҳалигача турмуш қурмаганман.

— Нега?

— Ёшим эндигина 20 дан ошди. Узоқ йиилги авария излари танамни буткул тарк этмаган. Соғлигимни батамом тиклаб олмоқчиман. Лекин, энг муҳими қошимга нажот излаб келувчиларни даволаш учун кенг имкониятларга эга бўлмоғим керак. Лекин, барибир турмуш қуриш ниятим йўқ эмас. Агарда бировларга маъқул бўлолсам, турмуш қуриш қочиб кетмас.

— Бахмалгул, ҳали ёш экансиз, кунларингиз шу тариқа касалларни қабул қилиш билан ўтаверадими? Бошқа орзу-ниятларингиз йўқми?

— Қайдам, билимим камлигини сезиб турибман. Табобат билим юртига кириб ўқимоқчиман.

— Ёшуллиларнинг сизга бўлган эътиборлари қандай? Тошкентда экстрасенсларнинг жумҳурият жамияти очилганидан хабарингиз борми?

— Тўғрисини айтганда, бировларнинг ҳимматини кутаётганим йўқ. Ёрдам беришмаяпти, дея нолимайман. Олдимга келаётган кўпдан-кўп касалларнинг раъйини қайтаришдан ожизман. Шунга ҳалақит беришмаса бас. Экстрасенсларнинг жумҳурият жамияти очилганидан хабарим бор. Унга аъзо бўлиш ниятим ҳам йўқ эмас.

...Бахмалгул Жуманиёзованинг даволаш хонасини кечаси алламаҳалда тарк этдим. Исмоил ака кузатиб чиқди.

— Исмоил ака, — дейман беихтиёр, — кўраяпсиз, одамлар Бахмалгулнинг ҳузурига кириш учун бир неча соатлаб кутишяпти. Кўпчилиги беморлар. Уларни кутиб олиш, чойнонга қараш жонингизга тегмаяптими?

— Асло,... Лекин, иним рўзғорчилик. Уйда ҳамма нарса бут бўлиб турмайди. Етаридан-етмаси кўп. Яхшиямки, кўпчилик «меҳмон»ларимиз ўз-ўзига хизмат кўрсатишяпти. Бирови чой, бирови нон қўйган. Шундай бўлса-да, кўнглимиз барибир тўлмаётир, иложимиз қанча? Мабода кам хизмат қилгай бўлсак, маъзур тутасиз..

Абдулла СОБИРОВ,
СССР Журналистлар уюшмаси аъзоси.

УЛАР ГЕРМАНИЯДА ЎҚИГАН ЭДИЛАР...

6. «Кўмак» ва кўмакчилар

ОКТЯБРЬ инқилобидан сўнг бутун мамлакатда бўлгани каби Туркистон Совет жумҳурияти ва Бухоро Халқ жумҳуриятида ҳам юқори малакали кадрлар тайёрлаш учун марказий Россия билан бирга Германия каби Оврўпа мамлакатларига ҳам талабалар юбориш вазифалари қўйилади.

Бунинг учун Бухоро ва Туркистон Халқ жумҳуриятлари раҳбарлари, Маориф вазирликлари қошида тузилган «Кўмак» уюшмасига талабаларнинг моддий ва маданий эҳтиёжлари, ўқиш шароитлари учун давлат томонидан ажратилган пулдан ташқари ўлкада ўтказилган ҳар хил адабий — маданий кечалар (концерт, улоқ-пойга)дан тушадиган пулларнинг ҳам 20 фоиздан — 80 фоизгача бўлган қисмини ажрата бошладилар. Туркистондаги Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Абдулҳамид Сулаймон (Чўлпон), Шокиржон Раҳимий каби тараққийпарвар зиёлилар ҳам уюшмага моддий ва маънавий ёрдам қилдилар. Натижада, 1922 йил бошларида Саидалихўжа бошчилигида тузилган «Кўмак» уюшмаси Бухоро ва Туркистон кўмакчиларининг ёрдамида таниқли татар зиёлиси Олимжон Идрисий етакчилигида Аҳмад Шукрий, Саидалихўжа, Аҳмаджон Иброҳим, Саттор Жаббор, Шамсулбанот Ашрат қизи каби бир қанча ёшларни Германияга ўқишга юбордилар.

Улар Германияга келгач, дастлаб немис тилини, маҳаллий халқ урф-одатлари, тарихи, маданияти, илм-фан, техника, маориф соҳасидаги юксак ютуқларини қунт билан ўргандилар. Айни вақтда туркий халқлар, жумладан, Россиядаги туркий халқлар тарихи, тили ва адабиёти, санъатига алоҳида қизиқиш уйғонган немисларга ҳам Туркистондаги туркий эллар тарихи, тили, янги адабиёти ва матбуоти (М. Беҳбудий, Фитрат, А. Қодирий, Чўлпон асарлари ва «Тонг», «Инқилоб» каби журналлар) намуналари, ўзбекча, татарча миллий қўшиқ ва куйлари, рақслари билан баҳоли қудрат таништирдилар. Ўқишнинг биринчи йили якунларидаёқ уларга моддий ва маънавий кўмакдош бўлган уюшма ҳурмати учун «Кўмак» номли ўзбекча илмий-адабий ва ижтимоий журнал ҳам чоп қилдилар. Журнал уюшма раҳбари Саидалихўжа муҳаррирлигида 1923 йилда Берлинда нашр этилди. Унда асосий муаллифлар Туркистон ва Бухоро Халқ жумҳурияти кўмагида Германияга ўқишга келган талабалар бўлиб, журналда мазкур талабаларнинг мақсад ва вазифалари ифодаланган эди. Бу жиҳатдан айниқса, «Тилагимиз» номли бош мақола характерли бўлиб, унда Германияда ўқиётган Бухоро ва туркистонлик талабаларнинг Оврўпа илм-фанларига самимий муносабати, юксак орзу ва умидлари, интилишлари, она ватанлари ва халқларига бўлган қизғин меҳру муҳаббатлари акс этганди. Унда шундай сатрлар бор эди:

«Ёруғликка севиниб, интилиб, чиқаётган Туркистон шунча илмий кишисизлигига қарамасдан келгусининг буюк умидлари учун бизни Оврўпага юборди. Чинданда, Туркистон чаламикни истамади, бутунликни истади, жуда яхши қилди. Биз омма Оврўпада йилларча қолиб ўқиган замонамизда севикли Туркистонимизга хизмат қилувдан маҳрум бўлиб қолувни истамаймиз. Бунинг учун кучимиз етгунча тиришамиз. Буларни биз ўйлаб чиқармадик. Ҳар бир миллатнинг олий мактаб болалари қаерда бўлса бўлсинлар, илмий — ижтимоий йўлларда ўз миллатлари учун чалишадирлар.*

Бизнинг ишимиз келгусида илмий ишдур. Шунинг учун ҳозирдан қўлимиздан келгунчалик бўлсада, кечикиб бўлсада, арзимас бўлсада қиламиз. Узоқларга буюк умидлар билан юборгон Туркистонимизга бу ҳаракатимиз кўкрагимизда ёнган хизмат туйғуларини кўрсатур умидиндамиз.

Сулаймонга чумоли човутка оёғини тартуғ келтирганидек, бизда шу кичик жевонангни (журнални) улус оёқларига тўшантирамиз. Деймиз: бизнинг қўлимиздан келгани, ҳозир шу бўлди, ярарлик бўлмасада ўз болаларингизники. Олинг, бузуқларини тузатинг, камчиликларини тўлдиринг, кўмаклашинг» («Кўмак», Берлин, 1923, № 1, 2-бет).

Бундан ташқари «Кўмак»да ижтимоий — сиёсий ҳаёт, фан-техника муаммолари, илм-маърифат, адабиёт ва санъат масалаларига бағишланган қатор қизиқарли мақолалар, адабий-илмий лавҳа, шеър ва шахсий мактублар ҳам босилган эди. Буларнинг ҳаммаси асосан Берлин ва Ҳайделбергдаги дорилфунун ва Олий техника мактабларида ўқиётган Саидалихўжа, Аҳмад Шукрий, А. Иброҳим, С. Жаббор каби талабалар қаламларига мансуб. Уларда ўқувчиларнинг Германияга келишидан мақсадлар, у ердаги илм-фан, маданият ва техниканинг дунёнинг бошқа мамлакатларига нисбатан ҳайратомуз тараққий топганлиги, шарқдаги Япония, Хитой, Ҳиндистон, Туркия, Эрон каби мамлакатлардан бу ерга қўплаб талабаларнинг келиш сабаблари, бунинг Туркистоннинг келгуси иқтисодий ва маънавий истиқболи учун муҳим ибратомуз томонлари ҳақида қизиқ фикр юритадилар. Бу ҳақдаги ўз фикр, ҳис-туйғуларини шеърий ва мактуб йўллари билан ҳам изҳор этадилар. Жумладан, Берлин Олий Техника мактабининг талабаси Саидалихўжа ўз мақолаларида («Ақл ва сезги», «Мия ва юрак») жамият тараққиётида инсоннинг ҳар томонлама ривожланган бўлиши, бунда ақл ва мия, юракнинг бир-бирлари билан узвий алоқаси бу аъзоларнинг ўзаро алоқалари кучли бўлган кишиларнинг инсоният дунёсини камолотга бошлай олишлари мумкинлиги кейинги бугунги қайта қуриш кунимиз учун ҳам муҳим бўлган ижтимоий тарбиявий масалалар тўғрисида фикр юритади. Бундан мақсуд қалбсиз, ҳиссиз бўлган баъзи сиёсат кишиларидаги бераҳмлик, шафқатсизлик, ёвузлик каби фактларни Россия ва Шарқдаги мустабид шоҳлар, амирлар зулмидан олинган айрим воқеалар орқали фош этиб ташлайди. Жаҳонгирлик урушида ўринсиз тўкилган бегуноҳ қонлар, халқ мол-мулки, қишлоқ ва шаҳарларнинг вайроналари, меҳнати эвазига топилган миллиардлаб пулларнинг бекорга совирилиши, бу пулларни Россия халқларини боқишнинг ўзига 100 йилга етиши каби бугун айниқса муҳим бўлган фактларни мисол келтиради («Амриқода киши қони савдоси»).

Ўзининг бой тарихий, маданий ва маънавий анъаналарига эга бўлган буюк Осиёнинг ғафлат уйқусида эканлигидан фойдаланган Оврўпа жаҳонгирларининг уларга нисбатан ўтказган мустамлакачилик сиёсатларини қоралаб, буни тушуна бошлаган Япониянинг Оврўпани қувиб етиши, ундан ибрат олган Хитой, Ҳиндистоннинг босқинчиларга қарши олиб бораётган курашлари, уларнинг орасидан бугунги кунда етишаётган буюк олимлар, доҳийлар, адиблар ва файласуфларнинг Оврўпа босқинчиларини ҳам сескантираётганлиги ҳақида фахр билан сўзлайди. Ҳозирда Оврўпада ўқиётган талабалар орасида Туркистон ва бухоролик талабаларнинг ҳам борлиги Совет ҳукуматини ленинча шарқ сиёсатининг тантанаси бўлиб, у чоризмнинг Туркистонга нисбатан ўтмишда ўтказиб келган буржуа миллатчилик руҳидаги зарарли шарқ сиёсатидан тамомила фарқли ўлароқ ҳақиқий байналмилалчи сиёсат эканлигини кўрсатади. Шу билан бирга муаллиф Германияда ўқиётган Туркистон талабаларининг асли соғлом мақсад ва ниятларини ўша вақтларда англамаган баъзи бир тор қарашли маҳаллий зиёлиларнинг носоғлом муносабатлари, қаршиликларини қоралаб, бундай ҳаракатлар ўтмишдаги чоризм амалдорларининг Туркистонга ўтказиб келган миллатчилик сиёсатининг тегирмонига сув қуйишдан бошқа нарса эмас, — дейди ва бу ҳақда алоҳида тўхтаб шундай ёзади: «Ҳозирда Осиёда ҳеч бир давлат йўқдирки, унинг Оврўпада ўқувчиси бўлмасин! Ҳар бир Осиё давлати учун кучи етгунча бир нарсага энг зўр аҳамият берди. Қодирлари кўпроқ, кучсизлари камроқ ўз талабаларини Оврўпага юбордилар ва юбормоқдалар. Шу чоқда Оврўпада Япония, Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Туркия, Афғонистон, Бухоро, Туркистон, Кавказ, Қирғизистон ва Татаристондан талабалар ўқиб турадилар.

Оврўпа олим ва файласуфлари ҳозирда Оврўпанинг ўлими (ботуви) яқинлашганини исбот этадилар. Бунинг ўрнига яна Осиё чиқса керак. Мана шундай бир замонда тушунчасиз бир татар қардошимиз, Туркистон ва Татаристон талабаларини Оврўпага бориб ўқишини нотўғри топмиш.

Осиёлик бир киши дейлик Осиё саодатини кўраолмамиш. Шундай тушунчасизликни бошқа осиёликлар эшитсалар бунга қандай назарлар билан қарарлар экан? Бундай бир киши — албатта Осиёни ҳақорат қилган, Осиёдан (оқ) бўлган бўлур. Бу киши нима деган: «Оврўпада ўқиб келган кишилар коммунизмга ишламайдилар, унга фойда келтирмаслар...».

Шундай ҳам тушунчасизлик бўлурми? Коммунизм фикри бурун қаердан чиққан? Коммунизмнинг отаси Карл Маркс қаерда туғилиб, қаерда яшаган? Қаерда ишлаган? Оврўпада эмасми? Русияда коммунизмни вужудга чиқарган Ленин ўз фикрларини Оврўпада ўйлаб юрган эмасми? Капитализм бўйинчасида бўғилганлар оврўпалилар эмасми? Шўролар ҳукумати Оврўпага Осиёдан талабалар юборув билан ишда ўзининг Осиёга яхши қарашишини бутун ер юзига кўрсатмадими? Русия миллатчилари (колонизаторлари)нинг юракларини шул иш билан эзмадими? Шу иш билан эски ҳукуматнинг юзига қора суркамадими?..

Демак, мақола ёзувчи қардошимиз тағин коммунистлардан кўра эски ҳукумат кишиларига шул иш билан ўзларини яқинроқ кўрсатган бўлмасунлар? Тағин бу мақола рус миллатчиларини шодлантирғон бўлмасун? Япония, Ҳиндистон, Хитой, Эрон ва Туркиядан минглаб шогирдлар келиб ўқиғонда ўз орангиздан ўнлаб киши келиб ўқувини кўраолмадингизми? Ўйланг, ўйланг! Чиндан халқингизни, идеалингизни севсангиз халқни маърифатға бошланг! Қоронғуликдан чиқаринг! Ҳозирда бу ерда ўқувчиларингиз оз. Лозим эди неча марталаб кўпроқ юборув. Мана бунга чалишинг!» (Саидалихўжа, «Осиёнинг оқ ўғли», «Кўмак», Берлин, 1923, № 1, 16—17-бетлар).

Берлин дорилфунуни тарих-фалсафа куллиёти талабаси Аҳмад Шукрий эса Саидалихўжадан фарқли ўлароқ журналда кўпроқ адабий-танқидий мақола, бадиий руҳдаги мактуб ва лавҳалари билан қатнашган. Уларда («Турк адабиётида идеализм ва реализм») асосан туркий халқлар адабиётида ижодий метод масалаларига тўхтаб, бу жиҳатдан Озарбайжон фожианависи Ҳусайн Жовуднинг «Шайҳ санъон» саҳна асари билан ўзбек адиби Абдурауф Фитратнинг «Ҳинд ихтилолчилари» фожиасидаги акс этган воқеа ва ҳодисаларни қиёсий таҳлил қилади, шулар асосида Ҳусайн Жовуд асарини идеячилик (ғоячилик), Фитрат асарини эса реалист (ҳақиқатчилик) руҳи билан суғорилган деган хулоса чиқаради*, Чўлпон билан Шекспир лиризмини ўқиб, уларнинг руҳий — маънавий яқинликлари, туйғулар гармонияси жиҳатдан муштараклигини англаганлиги, лекин шунга қарамасдан Чўлпоннинг «оқ кўнгилликлари ҳатто Шекспир самимийлигидан ҳам ўтиши, унинг бизда севги тангриси, севгу яратгувчиси қадар улуғлигини қайд этади. («Чўлпон — Чўлпондир»). Ва фикрининг исботи учун «Чўлпоннинг «Уйғониш» шеърлари бунга яққол мисолдир» — дейди. Ҳам бу ҳақда ўқувчиларга янада ёрқинроқ тасаввур бериш учун Чўлпоннинг ёр ва ватан фироқи дардлари билан тўлиқ «Кетганда» номли шеърини тўла келтиради. Мана ўша шеър:

Кетдингми мангуга ташлаб,
Қолдимми қайғуларимла.
Ҳижронни куйини бошлаб
Йиғловчи чалғуларимла!
Севгимдан сўнгги малаклар
Тўп-тўғри кўкгами учди!
Кўнглимдан тоза тилаклар
Ёвингними бағрига тушди!
Ортиқ сен мандан узоқда
Кўзларни ўйнатасанму!
Ортиқ сен бошқа булоқда
Дилларни қайнатасанму!
Ортиқ сен ундаги боғда...
Ортиқ мен яккам қолдим!
Фарёд йўқ... барча жаҳон жим
Ер ютса яхши шу чоқда!..
Кетдингми сен мени ташлаб!
Қолдимми қайғуларимла!

(«Кўмак», Берлин, 1923 й. № 1, 20-бет).

Туркистондаги севимли фарзандидан олган мактубига жавобида эса у она Ватани Туркистон тўғрисидаги хабарлардан олган севинчлари, ўғлининг Олмон маданияти ҳақидаги сўроғларига бугунги Германиянинг фақат Оврўпадагина эмас, бутун жаҳон техникаси ва маданияти тараққиётида ҳам олдинда бораётганлиги ҳақида батафсил тўхтайди.

Шиллер каби немис драматургларининг асарларини ўқиб руҳлари кўкларга учиб юксалгани, ўзини йўқотиш даражадаги ҳайротомуз хаёллар оғушига ғарқ бўлиб, тамомила янги бир маънавий олам билан бойишини, театрларида эса эрадан олдинги воқеаларни худди бугунгидай юксак маҳорат билан гавдалантиришларига қойил бўлиб ёзади:

«Ватанимиз тўғрисида ҳарна ёзғонингни ўқиб шодландим. Ёзувингда менга: Олмон маданияти қандай экан? Сўроғни қўясан. Қўзим! Менинг тилимнинг сенга, оқиб кечган, оқиб турған Олмон маданиятини лойиғинча тушунтирарлик кучи йўқдир.

Олмон маданиятин онглатиш, мақташнинг ташқи ёғидадир. Мен эмас, мендан баландроқ кишиларда бу элнинг маданиятини тилида тушунтира олмаслар ишонувида мен. Олмон маданияти хаёлда, ҳақиқатда тебранмоқдадир. Гўё у Шиллер каби шоирларининг асарларидан озроқ ўқусанг руҳингни кўкларга, юксакларга учирадир. Ҳар томонингни чўлғаб олғон ғавғоли ҳаётдан қутқариб жимжит шеърият ва хаёллар оламиға кўтарадир*. Гамбургдек бир шаҳрига борсанг, тоғ кўринишли кемалар, техник оламни кўз олдингга гавдалантирадир. Алла неча минг чақирим узоқларда бўлғон мамлакатлардан сув кечуб соғ келганин сўйлайдир. Бу ҳақиқат эмасми? Театрлариға кирсанг, беш минг йил илгари ўтқон Миср ҳаётидан бир воқеани саҳнага тушурадир. Ўтурдиғинг ўринда ўзингни унутасан. Унутулур тўполонлари остида қолиб кетган чоғларни кечагина бўлғон каби эслайсан. Бу тараққий эмасми? Темир йўл арабалариға ўтурсанг бир неча соат сўнггида ўзингни бошқа шаҳарда кўрасан. Тез замон ичида Олмон учқичларининг (самолётлари) бизнинг томонғада учажакларини сўйлайдурлар. Бўлғони ерда, сувда, ҳавода Олмон маданияти томир ёйғон!..

Ҳурмат билан кўзларингдан ўпиб, Аҳмад Шукрий».

(«Ёзувингга жавоб», «Кўмак»; Берлин, 1923й. № 1, 18-19-бетлар).

Берлин Олий Техника мактабининг тоғ инженерлиги (муҳандислиги) куллиётининг талабаси Аҳмаджон Иброҳимнинг «Техника ва биз» номли мақоласида эса маданий миллатларнинг тараққийсига сабаб уларда олий малакали миллий дўхтур, муҳандис, агрономларининг кўплиги, Туркистон каби бир бой тупроқли маъдан ва ўсимликларга кон ўлкани, табиий бойликлар, ҳайвонот дунёсига тўлган юртнинг букун иқтисодий жиҳатдан оғир аҳволи, очлик ва ишсизлиги, булардан қутулиш учун у ерларда замонавий маданий завод ва фабрикаларнинг камлиги, уларни юритувчи олий малакали миллий кадрларнинг етишмаслиги, деб кўрсатади. Буни йўқотишнинг, элимизни тўқ ва маъмур қилиш, ишсизликни тугатишнинг ягона йўли эса ҳозир шу соҳалар бўйича талантли миллий ёшлардан бугун дунёда энг тараққий топган мамлакат Германияга талабалар юбориш, уларни юртимизнинг келажак истиқболи учун тарбиялашнинг муҳим аҳамияти ҳақида тўхтаб, шундай деб ёзади:

«Қандай ишни бошласак, қилсак ундан эл кунига натижаланарли бир нарса кўрсата олмадик. Тўғриси, ишлаб чиқаролмадик. Кўп жойларда театру, мактаб бинолари солмоқ учун оқча тўпланадурда, ўзимиздан инженер, архитекторлар ва бошқа иш кишилари йўқлигидан йиғилғон пуллар бўлмағур нарсаларға сарф бўлиб кетадир. Бу каби унумсиз ишларимиз саноқсиз.

Бизнинг Туркистон халқи практический (амалиётчи) халқдир. Шунинг учун бизнинг Туркистонга Оврўпа техникаси билан қуролланган кишиларни етказиш лозимдир. Мана булар воситаси билангина ишланган ишларни, табиий бойликлар йўлга қўйилғонини, ҳунарларнинг юксалганини эл ўз кўзи олдида кўргач, англаб тушунадир.

Оврўпанинг техника, ҳунарларинда олдинда бўлган Германияга бултур Бухоро ва Туркистондан талабалар келди. Буларнинг ҳаммаси деярлик олий техника, зироат ва ҳунар мактабларига кирдилар. Туркистон, Бухоро, Хевада Оврўпаға йил сайин ўқувчилар юбориб туриш ҳаракати борлигини кўрамиз. Мана булар яқин бир орада юртимизнинг унумли саҳифасини очишга умид ва имон келтурадир» (Ўша журнал. 11-бет).

Аҳмаджон Иброҳимовнинг бу фикрлари инқилобдан буруноқ, М. Беҳбудий, Ҳамза, Фитрат, Чўлпон, А. Авлонийларнинг Туркистонни иқтисодий, маданий, маърифий юксалтириш, ундаги қолоқлик, ишсизликни йўқотиш учун илғор Оврўпа илм-фани, техникаси ютуқларини эгаллаши лозимлиги, бунинг учун маҳаллий миллат болаларидан Осиёдан тортиб Америкагача, Германия, Япония, Франция, Туркия, Мисргача ўқишга юбориш ҳақида билдирган илғор тарғибот ва ташвиқотларининг октябрдан кейинги шароитда амалга оширишнинг янги йўлларини излаш эди деса бўлади.

Бундан ташқари журналда Берлин дорилфунуни ва Олий техника мактаби талабаларидан Саидалихўжанинг «Оврўпа», «Юрак», Аҳмад Шукрийнинг «Ҳаёт», «Сўрма», «Туш», «Парча», Саттор Жабборнинг «Тилак» каби шеърлари ҳам босилгандир. Талабалар шеърларида кўпроқ немис шоири Хенри Ҳейний, рус шоирларидан А. С. Пушкин, татар шоири Абдулла Тўқай, ўзбек шоири Чўлпоннинг баъзи бир лирик романтик шеърларига тақлидий руҳдаги ишқ-муҳаббат, айрилиқ дардлари, зўрлик, ёвузликка қарши кураш изтироблари сезилади.

САИДАЛИХЎЖА

«Юрак»

Куйган, ўртанган юрак, яна куймоқ истайдир
Ёниб пишиб ўрганган, яна чўғни тусайдир.
Олов бўлиб нур сочган, қоримизни эритган,
Совуқ танни иситган замоналарни истайдур.
Олов бўлиб гуруллаб, шошиб, елиб ғириллаб,
Қимирлашга талпиниб зўрайтмоқни тилайдур.
Кул бўлсунда эзилсин, судралсинда босулсун,
Ҳар хил туёқ остида ўтмишини эсласин.
Ёниб тошган юракка бу хил ишлар ёқмайдур.
Юрак чексиз ёнувни, ишқ ўтида куювни,
Маъшуқани ёндуриб, қучоғинда кўрувни
Мана буни хушлайдур...

(«Кўмак». 23 йил. 1-сон. Берлин).

Аҳмад ШУКРИЙ.

Сўрма

Сўрма мендан иқбол надур, бахт надур!
Бу сўроғлар меним фикримча бўшдир.
Бутун умрим бўйи бахтни изладим,
Ҳар қадамда бахтсизликка учрадим.
Унинг учун иқбол надур, бахт надур!
Ҳикматини, маъносини билмадим.
Бу тугунли сўроғларнинг ҳикматин,
Бахтга таниш бўлғонлардан сўраб кўр.

(Ўша журнал, 25-бет).

Журнал сўнгида «Ўтунчилар», «Идорадан» ойнасўзлари остида Турк адиб ва шоирларидан ўзларининг кучли қаламлари билан Олмониядаги Туркистон талабаларининг бу «Кўмак» жавонини безашига иштироклари, бу орқали Туркистоннинг илм ва маданиятида ортда қолган халқини олдинлатишга ёрдам беришларига даъват этилади. «Кўмак»нинг кейинги сонларини чиқариш маълум эмаслиги, ўқишнинг қизғин вақтлари кетаётганлиги учун унинг нашри вақтини аниқ белгилай олмаганликлари, шунга қарамасдан унинг чиқишини кечиктирмасликка ҳам ваъда қилинади.

Лекин, «Кўмак»ни келажакда ҳам чиқариш ниятлари амалга ошиб, у яна чиқишда давом этдими, йўқми, бу ҳозирча маълум эмас. Бироқ шунга қарамасдан «Кўмак»нинг шу биргина сони ва унда иштирок этган Германиядаги талабаларимизнинг мазкур мақола ва лавҳалари, шеърлари, уларда кўтарилган масалалар ҳам фақат ўша даврдаги Туркистоннинг иқтисодий, маданий ривожлантириш учунгина эмас, балки унинг бугунги қайта қуриш кунларидаги умумий тараққиёти муаммоларини ҳал қилиш нуқтаи назаридан ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

---

* Чалишмоқ — қатнашмоқ, иштирок этмоқ.

* Берлин дорилфунуни тарих-фалсафа куллиёти талабаси Аҳмад Шукрий Германияга келганига қадар ҳам Тошкентда шоир Чўлпон ёрдамида саҳнага қўйилган «Қароқчилар» асарини ҳам кўрган. Бундан ташқари Аҳмад Шукрийнинг шу йилларда босилган «Туркистонда мусулмон мактаблари» (1922) мақоласидан ҳам Ибн Сино, Улуғбеклардан тортиб, Мунаввар Қори, Беҳбудийларгача бўлган фан, маданият, ижтимоий-фалсафий фикр намоёндалари ҳақида фикр юритиши, уларни қадимий ва янги замондаги шарқ ва ғарб мутафаккирлари билан қиёслаши, айниқса, М. Беҳбудийни Германиянинг улуғ реформатори Мартин Люер билан солиштиришлари ҳам унинг Оврўпа ва Шарқ адабиёти тарихини яхши билганлигини кўрсатади. Ўша йиллари Герганиядан ўқиб келган тошкентлик Солиҳ Муҳаммаднинг ҳозирда ҳаёт бўлган укалари профессор Муҳаммад Амин Муҳамедов ва меҳнат ветерани Мансур Муҳамедовнинг айтишиға қараганда Аҳмад Шукрий кейинчалик Туркистондан Германияга борган бошқа талабаларни СССРга қайтмасликка даъват этган, у ерда ҳозир Ленинча сиёсат ўзгарганлигини айтган, ўзи ватанига қайтмай, Туркия дорилфунунларида фалсафа ва тарих соҳасида дарс бера бошлаган.

Сўнгги сўз ўрнида

Биз Геррманияга ўқишга кетган бир гуруҳ Бухоро ва Туркистон ёшларининг у ердаги ўқишлари, амалга оширилган баъзи бир маданий-маърифий ишлари ҳақида умумий маълумот бердик. Германиядан ўқишларини битириб ватанларига қайтган. А. Муродий, Саттор Жаббор каби йигитларимиз, Марям Султонова, Ҳайринисо Мажидий каби қизларимизнинг бу ердаги ҳаётлари, ижтимоий илмий фаолиятлари, сўнгги йилларда сталинизм қатағонининг қурбонлари бўлганлиги билан қисқача таништирдик. Улар билан бирга хорижга ўқишга кетган тошкентлик Ўктой, Саида Шераҳмад қизи, Аҳмад Шукрий, Абдумажид Иброҳимов, Аҳмаджон Иброҳимовларнинг 20-йилларнинг охирларидаёқ СССРда бошланган таъқиб этишларга оид хабарларни эшитиб ватанларига қайтолмаганликларини ҳам эслатиб ўтдик. Бундан ташқари, 20-йилларнинг бошларидаги «Бухоро ахбори», «Қизил байроқ», «Туркистон», «Фарғона» рўзномалари томонидан Германияга ўқишга кетган талабалар қаторида саналган Саидали Усмоний, Баҳовиддин Амин, Аҳмад Нойим, Тўлаган Мўмин, Афзал Тоҳир, Билол Фатхулла, Олимжон Қодир, Ганжум Музаффар, Руқия Раҳим қизи ва бошқаларнинг тақдирлари нима бўлди? Аввало уларнинг ҳаммаси ҳам ўқишларини битирдими, у ердаги ўқиш ва иш фаолиятлари, бизнинг сиёсатимизга муносабатлари ва сўнгги тақдирлари қандай кечди?

Сўнгги тилга олганимиз талабаларнинг ҳаммаси ҳам ватанларига қайтдими ёки турли сабаблар билан хорижда қолиб кетганлари ҳам бўлдими? Шунингдек, ўша йилларда Германиядан ташқари Туркия, Франция, Японияда ҳам Бухоро ва Туркистон талабалари* бўлганлиги ҳақида баъзи бир маълумотлар учрайди. Жумладан, Рафиқ исмли муаллиф 20-йилларнинг бошларида Туркистонда Берлиндан ташқари Японияда ҳам талабалар ўқиганлиги, умуман ўша даврда Оврўпада ўқиган юртдошларимиз сони 500 лаб бўлганлигини қайд этади (қаранг, «Фарғона» газетаси, 1923 йил 26 апрель) Репрессия қурбонларидан Марям Жуманиёз қизининг СССР прокурорига ёзган хатида унинг Германияда бўлиб, дугонаси Мужи Жаҳонова билан Парижда ўқиётган Аҳмад Нойимни Мустафо Чўқаев билан бирга кўрганлиги ҳам келтирилади. Хўш, Аҳмад Нойим, Мўжи Жаҳоновалар кимлар, уларнинг ўқишлари, ишлари, кейинги тақдирлари нима бўлди?

ЎзССР Марказий Давлат архивини варақлаганимизда ҳам (Р — 47, оп 1, д. 141. д. 29. фонд 36 ва ҳ.) 1922 — 1923 йиллар Бухоро ва Туркистондан Германия ва Туркияга талаба юбориш, уларга тўланадиган стипендия ва имтиҳон шартлари, талабаларга ёрдам кўрсатувчи Тошкентдаги «Кўмак» уюшмасининг фаолиятлари ҳақида умумий маълумотдан бўлак талабалар ҳақида аниқ ҳужжатлар тополмадик. Бугунги қайта қуриш билан бошланган демократик ва ошкоралик шароитида Германияда ўқиб қайтиб, шахсга сиғинишнинг бегуноҳ қурбонлари бўлган Саттор Жаббор. Солиҳ Муҳаммад, Хайринисо Мажидий, Абдуваҳоб Муродий ва бошқалар ҳақида ҳали давлат терговлари материаллари бизга маълум эмас.

Бу материалларни ўрганиш, уларни кўрган ва билганларнинг хотираларини йиғиш, бундан ҳатто бизга дўст бўлганларигина эмас, ҳориждаги бизнинг айрим ғоявий, синфий мухолифларимизнинг ҳам материаллари, фикр ва мулоҳазаларини ўрганиш, бунинг учун чет элларга командировкаларга бориш ҳам керак бўлади. Шундагина ўша йилларда босиб ўтилган ниҳоят мураккаб йўллар ҳам, даврнинг қарама-қаршилик ва фожиалари ҳам, хориждаги ғоявий душманларимизнинг бизга нисбатан олиб борган қўпорувчилик ишлари ҳам, сталинизм сиёсати ўша вақтидаёқ Оврўпанинг илғор фан-техника ютуқларидан кенг баҳраманд бўла бошлаган миллий зиёлиларимиз истиқболига тўғаноқ бўлганлиги ҳам халқимиз кўз ўнгида тўла ва ҳаққоний намоён бўлаборади.

Шерали ТУРДИЕВ,
филология фанлари номзоди.



Бепоён менинг Ватаним

МОСКВА: Чайковский асарларини скрипкада ижро этиш бўйича ўтказилган конкурсда япониялик ўқувчи 18 ёшар Акико Суванан олтин медалга сазовор бўлди.

СУРАТДА: Акико Суванан саҳнада.

•

Яқинда Москва шаҳар ички ишлар бошқармаси ходимлари «кутилмаган» меҳмонларни қабул қилишди. Улар Нью-Йоркдаги полиция маҳкамаси ҳузурида тузилган мактаб ўқувчиларидан иборат спорт атлетика лигаси аъзолари. 55 мингга яқин ўқувчиларни бирлаштирган ташкилот аъзоларига нафақат умумжисмоний машғулотлар, балки бошқа ҳар хил соҳаларнинг сир-асрорлари ҳам ўргатилади. Ҳатто мусиқа илмидан ҳам сабоқ берилади.

Меҳмонлар пойтахтнинг милиция маҳкамалари фаолияти билан яқиндан танишдилар. Энди ўз навбатида москвалик спорт мактаблари талабаларини бирлаштирган «Динамо» жамияти аъзолари ҳам Амриқога ташриф буюрадилар.

СУРАТДА: меҳмонлар билан мулоқот.

А. ШОГИН сурати. (СИТА).



Ёшлар ижоди

Куйла, Эшмурод!

Ҳар инсоннинг ўз севган қўшиғи, куйи бўлади. Мусиқа садолари ва овозлар орасида қалбига «жиз» этиб уриладиган ўша қўшиқ ёки куйни бехато ажратиб олади, дардларини унга эш қилади, вужудига мусиқа оҳанглари қон янглиғ таралади. Кўзи олдида олам янгича чирой очади, яшаш завқли туюлади, одамларга меҳр-муҳаббати ортади. Зеро, мусиқанинг сеҳри-ю инсон ҳаётида тутган ўрни ҳам унинг юракка таъсир кучи билан ўлчанади. Шарқнинг буюк алломаси ал-Форобий бежизга «Ё, алҳазар! Эй, мусиқа олами, яхшиямки сен борсан. Бўлмаса инсоннинг ҳоли нима кечарди» деб ҳайратга тушмаган.

Мен куй-қўшиқ ва унинг қалбдаги завқи ҳақида ўйласам, доимо кўз ўнгимга Эшмурод келади ва унинг дард билан айтган, одамлар бош чайқаб эшитадиган «Мажнунтоллар» қўшиғи қулоғим остида жаранглай бошлайди. Тўғри, машҳур санъаткорлар Шерали Жўраев, Дадахон Хасанов, Отажон Худойшукуров, Бобомурод Ҳамдамов, Камолиддин Раҳимов ва бошқалар қаерда-ю чекка вилоятнинг бир бурчида яшайдиган қўшиқчи қаёқда, деб эътироз қилишлари мумкин. Йўқ, гап қўшиқчининг катта-кичигида эмас. Энг муҳим томони, қўшиқнинг маромида дард ёки завқ билан ижро этилиб, тингловчи қалбига етиб боришида.

Дарвоқе, мен Эшмуроднинг ўзидан аввал қўшиқлари билан ошно бўлганман. Улар эса ўндан ортиқ. Албатта, ,ёш санъаткор 600 дан ортиқ қўшиқ биламан, деганди. Бошқаларникини айтиш ҳам балки, керакдиру, лекин ўзиникини берилиб куйлаш ҳар нарсадан яхшида. Айниқса у А. Орипов, Д. Файзий, Ҳабибий, С. Нажмий, А. Азимов, И. Тўхтамишев шеърлари билан айтиладиган «Гулзор этгали», Сабо етгур», «Парвоз қилурсан», «Қувонадурман», «Мажнунтоллар», «Қашқадарё», «Муҳаббат»ни ижро этганда тингловчилар асло бефарқ бўлмаганини яхши эслайман.

Эшмурод Муфтуллаев ким ва нега у ҳақда шунча таърифу тавсиф? У Қашқадарё вилоятининг Косон ноҳиясида шаҳар маданият бўлимида ишлайди. Вилоят Ленин комсомоли мукофотининг лауреати.

Эшмурод Косон шаҳрида туғилган. У Мўмин бобосининг дутор чалиб ашула айтганлигини, davраларни қизитганини яхши эслайди. Ҳамшаҳарлари бобоси ҳақида ширин хотираларга берилишни яхши кўришади. Бир вақтлари Косонга Хоразмдан келган санъаткорлар, хусусан, машҳур ҳофиз Комилжон Отаниёзов бобосининг қўшиқларини тинглаб, «Мўмин потефон» деб лақаб қўйганини одамлар ҳозир ҳам эслаб юришади.

Унинг таржимаи ҳоли оддий. 1970 йилда мактабни тугаллаб, Ҳ. Олимжон номли Қарши Давлат педагогика институтида ўқиди. Талабалик йилларидаёқ қўшиқлар айтиб, эл оғзига тушди. У 1972 йилда жумҳурият телевидениеси уюштирган «Марҳабо талантлар» фестивалида ва 1974 йилда ноҳиядаги «Ҳилола» дастаси билан биргаликда Москвадаги концертда иштирок этди. Бундан ташқари бир неча йил олдин Душанбе шаҳрида ўтказилган «Дўстлик экрани» Бутуниттифоқ телевизион кўрсатувида қатнашиб, вилоят Ленин комсомоли мукофотига сазовор бўлди.

Айни пайтда у ўндан ортиқ қўшиқлари билан «Зангори экран»да вақти-вақти билан қатнашиб келмоқда.

— Тошкентда, марказда ишлаганимда балки ишларим бошқача бўлармиди, — деди бир гал Эшмурод ўкинч билан ўзининг дардини очиб. — Чекка жой, барибир одамнинг имкониятларини чеклаб қўяркан. Ҳатто, вилоят марказидаги тадбирларга кам чақиришади.

— Йўқ, бу гапларнинг бари беҳуда, — дедим мен эътироз билдириб. — Яхши қўшиқ тингловчисини топади. Санъаткор уни ахтариб юриши шарт эмас. Марказда сиз ҳам қўшиқчилар тўлиб ётибди. Сиз ўз юртингизда кераксиз. Хўжаликларда меҳнат қилаётган минглаб одамлар ҳар чиқишингизни олқишлаб кутиб олишади. Машҳур санъаткорларнинг ҳар доим ҳам қадами етавермайди. Бунинг ўрнига ноҳиядаги қобилиятли ёшларни ўз атрофингизга йиғиб, қўшиққа ташна қалбларга ором бағишланг.

Кейин ўйласам, марказга интилиш вилоят қишлоқ-шаҳарларида яшаётган барча қўшиқчиларнинг орзу-армони экан. Лекин уларни ҳам тушунмоқ керак. Ким янада юксакроқ парвоз қилишни хоҳламайди. Аммо, санъаткорнинг ҳақиқий вазифаси аввало ўз юртига хизмат қилишдир. Она юрти одамларининг баҳосидан ортиқ мукофот йўқ.

Атрофи қуюқ толлар билан ўралган шийпон олдидаги ҳовуз бўйида ўрта бўйли, буғдой ранг, юзлари ҳаяжондан қизарган йигит кўзлари ёниб «Мажнунтоллар»ни куйламоқда. Тумонат одамлар сукутга берилганча қўшиқ тинглаяпти. Куйчи авж пардаларга чиққанда миннатдорчилик хитоблари эшитилади. Қўшиқ тугамаёқ атрофни қарсак ларзага келтиради. Одамлар қалбининг чуқурларига теран оҳанглар билан кириб бораётган хонанда навбатдаги қўшиғини бошлади. Мен бу ҳолни кузатарканман, дилимдан шу фикрлар кечди: «Шу ерда жудаям кераксиз, Эшмурод! Юртингизнинг содда, меҳнаткаш, қалби очиқ одамлари қалбига энг аввало, сиз яқинсиз! Ҳамманинг буюк бўлиши шарт эмас. Ундан кўра дардли ва гоҳо завқли қўшиқлар яратиб, юракларни шодликка, ҳаяжонга тўлдиринг. Тингловчи, яхши қўшиқни, яхши қўшиқ эса тингловчини топади!»

Норқул ТИЛАВОВ.

Ўзбекча «видео» керакми?

Кейинги беш-олти йил ичида жумҳуриятимизда ҳақиқий видео-портлаш юз берди. У етиб бормаган бирор чекка қишлоқ қолмади ҳисоб. Клуб йўқ, айтарли чойхона йўқ, маданият уйи йўқ, видеосалон бор. Чорроҳаларда, эшиклари қийшайган биноларда бўлса-да, бор. Видеомаданият кўп қаршиликларга қарамай яхшими, ёмонми, ҳаётимизга сингиб кетаяпти. Бунинг ижобий-салбий томонлари ҳақида билдирилаётган фикрларни умумлаштириб айтсак, у омманинг паст дидига мослаштирилган бўлиб, ривожланмаган онг учун мўлжалланган. Айниқса, жумҳуриятимиз учун салбий томони шундаки, — халқимиз миллий тикланишнинг айни бораётган бир шароитда видео «маданият мустамлакаси» восита ролини ўйнамоқда. Бироқ шу билан ижобий томонларидан ҳам кўз юмолмаймиз. Энг асосийси — видео ахборотга давлат яккаҳокимлик қилишига барҳам бермоқда. Хуллас, фикрлар турлича, видеосалонлар эса кўпайгандан кўпайиб бормоқда. Бундан эса кўз юмиб бўлмайди. Қадимдан маълум — талаб бор жойда таклиф ҳам албатта вужудга келади. Бу ҳаёт қонунидирки, у ҳеч қандай давлат қонунларига бўйсунмайди. Шу сабаб шахсан мен видеомаданиятни тақиқлаб қўйишга қаршиман. Негаки, шундай қилинса у йўқолмайди, балки махфий фаолият юритишга ўтади, жамоатчилик назоратидан чиқиб кетади. Видеога қаршилар ўз фикрларини у миллий қадриятларимизни забт этаётгани, ёшларимиз тарбиясини бузиб юбораётгани билан изоҳлашади. Бу ҳақиқатан ҳам шундай. Бироқ ўйлаб кўрайлик, ахир видео фикрловчи нарса эмас-ку — унда нимани кўрсатишни ўзимиз ҳал қиламиз. Яқинда Тошкентда очилган янги видеосалон фикримизнинг далилидир.

Участка устаси бўлиб ишловчи Абдувоҳид Абдураҳмонов ўзбек классик, миллий санъатни тарғиб қилувчи видеосалон очмоқчи бўлганида, кўпчилик бир иш чиқишига ишонмади. Бироқ Абдувоҳиднинг режаси оддий эди: сиз ёқтирган хонанда, машшоқ ёки ўзбекча кинолар ойнаи жаҳонда ҳадеб қўйилавермайди. Агар бирор ғарб фильмига тушмоқчи бўлсангиз истаган видеосалонингизга бориб кўраверасиз. Нега энди ўзбек тилидаги киноларни шундай кўраверишингиз мумкин эмас! Фильмлар, ўзбек хонандалари ёзиб олинган видеолентанларни кўпайтириб, халқимизни таъминласа бўлмайдими? Абдувоҳид ўйлай-ўйлай охири Ўзбекистон ойнаи жаҳон ва овозинлар Давлат қўмитасига мурожаат этиб, шартнома тузишни таклиф қилди. Қўмита раиси А. Абдураҳмоновнинг ғоясини диққат билан тинглагач, унинг гапида жон борлигини тан олди ва розилик билдирди. Шундай қилиб, Абдувоҳид ишга тушиб кетди. Ҳали у ёқда, ҳали бу ёқда чопиш, ҳали у қоғозни, ҳали бу қоғозни тўлдириш билан икки йил ҳам ўтиб кетди. Гоҳида иши юришмаганида у «охири нима бўларкин?» деган ҳадик, қўрқув ҳис қилган пайтлар ҳам бўлди. Ахир иш салонини қуриш керак-ку, салонни таъмирлаш ва жиҳозлашга озмунча пул кетаётган йўқ, бир иш чиқса-чи? яхши, чиқмаса-чи? Шундай пайтлар бу ғояни молиялаштираётган, яъни маблағ билан таъминлаётган «Орбита-сервис» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори Рауф Қодиров далда бериб турди: «Қўрқма, биринчи йил даромад келтирмаса, кейин келтиради. Муҳими ишни бошлади, бу ёғи худо хоҳласа юришиб кетади».

Ўша гапларга ҳам мана икки йилча вақт бўлиб қолди. Ҳозир «Ганга» магазинининг ёнгинасида «Ўзбекистон» видеосалони ишламоқда. Энг жазирама кунда ҳам бу ер муздек, роҳат қилиб ўзбек тилидаги истаган фильмингизни кўришингиз, ёқтирган хонандангизни томоша қилишингиз мумкин. Кассеталарни сотиб олиб, уйда кўришни истасангиз, марҳамат. Салон видеотекасидан Гулжаҳон Ёқубова, Муножот Йўлчиева, Шерали Жўраев, Ортиқ Отажонов, Бобомурод Ҳамдамов, умуман эл таниган, эътироф этган барча хонандалар, ҳинд кинофильмлари, «Ўзбекфильм»да ишланган қизиқарли бадиий фильмларимиз, аскиячиларимиз қизиқчиларимиз иштирокидаги кўрсатувларга ҳам ўрин олган.

Салон маҳсулотига ҳозир талаб ортмоқда. Ҳаттоки Хитойдан келиб ҳам олиб кетишибди.

Абдувоҳид Абдураҳмонов тиниб-тинчимас, кишининг кўзини билмайдиган киши. Режалари катта. Бироқ бир иш қилмай туриб, олдиндан айтишни ёқтирмайди. Амалга ошса, омон бўлсак кўраверамиз-да.

Юқорида видео ёшларимиз тарбиясини бузиб юбораётганлиги тўғрисида гапирдик. Айтиш лозимки, биз ҳозир дуч келган бу муаммо ечими устида ривожланаётган мамлакатлар, ёки учинчи дунё мамлакатлари салкам 15-20 йилдан бери бош қотирмоқда. Мен бирин-кетин мустамлакадан озод бўлган Лотин Америкасидаги мамлакатларни назарда тутаётирман. Миллий қадриятларни оммавий маданият чангалидан қутқариб қолиш учун у ерларда бутун бошли институтлар тузилган. Улар муаммони халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ ҳал қилиш масаласини кўришмоқда. Шу билан бирга ғарб яккаҳокимлигига чек қўйишда яна бир ечим бор: видеомаданиятини экспорт қилувчи бозорлар билан рақобат қила оладиган ички бозор яратиш. Бу йўлда жумҳуриятимизда илк қадам ташланди. Фақат ҳаракат тўхтаб қолмаса бас.

Фурқат НЕЪМАТ,
«Ёш ленинчи» мухбири.

«КАМАЛАК»

ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

Умумий ютуққа қўйилган ўн дона «Волга — ГАЗ 2410», 320 дона «ВАЗ—21063», 09, 08, 05 «Жигули» автомашиналари, 80 та «Москвич—412», 80 та «Запорожец —068» 100 та «Урал» мотоцикли; 20 тадан Румыния, Чехословакия, ГДЖ, Болгария, Польшага 200 дона ёшлар саёҳат марказларига йўлланмалар бор. Ютишни истасангиз ёшлар пул-буюм лотереясини сотиб олинг. Лотерея ўйини Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашининг 1990 йилда жумҳуриятда ёшлар пул буюм лотереяси ўтказиш тўғрисидаги қарори билан уюштирилмоқда.

Лотереянинг умумий миқдори 16 миллион сўмни, ютуқларнинг умумий миқдори эса 8 миллион сўмни, яъни чиқарилган патталарнинг 50 фоизини ташкил қилади. Патганинг баҳоси юқорида айтганимиздек 50 тийин, ютуқлар тиражида лотереянинг 10 разрядига 8 миллион сўмлик 24550 та ютуқ, шу жумладан 4.675.500 сўмлик 3290 та буюм ютуқлари ва 3.324.500 сўмлик 21.200 та пул



ютуқлари ўйналади.» 200 сўмгача бўлган пул ютуқларини, шунингдек, эгасининг хоҳиши билан буюм ютуқлари ўрнига уларнинг пулини Ўзбекистон ССРнинг барча жамғарма банклари тўлайди. Миқдори 1100 сўмдан юқори бўлган ютуқлар Ўзбекистон жумҳурият жамғарма банкининг текширувидан сўнг тўланади.

Миқдори 1100 сўмгача бўлган пул-буюм ютуқларининг қийматини иттифоқдош жумҳуриятлар, ўлка, вилоят марказларидаги жамғарма банкларида ҳам тўланади. Юқорида кўрсатилган жамғарма банклари қиймати 1100 сўмдан юқори бўлган буюм ютуқларининг ўрнига унинг пулини тўлаш учун ҳам лотерея патталари қабул қилинади.

Лотерея бўйича ютуққа чиққан баъзи бир буюмларни ишлаб чиқариш тўхтатиб қўйилган бўлса, улар шунга ўхшаш бошқа хилдаги буюмлар билан алмаштирилади. Бу ҳолда берилаётган буюм қиймати лотереяга чиққан буюм ютуқларининг баҳосидан арзон бўлса, нарх ўртасидаги фарқ қўшиб берилади.

«Жигули» автомобилларининг модификацияси ўзгарган тақдирда бошқа модификацияли автомобилларга алмаштирилади, бунда ютуқ эгаси ўртадаги фарқни тўламайди.

Буюмнинг чакана савдо нархи ўзгарган тақдирда буюм ютуқлари янги кучга кирган вақтдан бошлаб янги нарх бўйича тўланади. Нарх ўртасидаги фарқ тўланмайди. Буюм ютуғи ўрнига нақд пул эса лотерея шартларида кўрсатиладиган миқдорда тўланади.

Айрим буюм ютуқлари лотерея патталари жамғарма банклари томонидан текширилиб, уларга ҳисоб муҳри босилгандан кейин жойлардаги дўконларда берилади.

Ютуқ чиққан лотерея патталарини кечи билан 1991 йил 30 июнгача топшириш керак. Ундан кейин қабул қилинмайди.

Ютуқлар тиражи 1990 йил 27—28 октябрда Тошкент шаҳрида ўтказилади.

УЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТ МЕҲНАТ ЖАМҒАРМАЛАРИ ВА АҲОЛИГА КРЕДИТЛАР БЕРИШ БАНКИ.

МУСИҚА ШИНАВАНДАЛАРИГА ТУҲФА

Мусиқа санъати шинавандалари ўз жавонларини яна бир мусиқа асарлари билан бойитадиган бўлдилар. Яқинда Бутуниттифоқ «Мелодия» фирмаси ижодкорлари тошкентлик машҳур бастакор Р. Вильдановнинг «Ўзбекфильм» киностудиясида суратга олинган кино асарларига ёзган музикаларини ёзиб олишга киришдилар.

Ўзбекистон Давлат симфоник оркестри скрипка жўрлигида чалинадиган бу концертга халқаро конкурслар лауреати, моҳир созанда М. Безверхний раҳбарлик қилади.



Замонавий ёшларнинг эҳтиёжлари ранг-баранг. Қўшиқ, рақслар ҳам даврга ҳамоҳанг бўлаётир. Ўтмишда «Шошмақом»ни тинглаб маънавиятини бойитган боболарнинг невaралари бугун эстрадага муккасидан кетишган. Янги-янги эстрада дасталарининг пайдо бўлаётгани бунга далилдир.

СУРАТДА: Хоразм вилояти тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида тузилган «Ишонч» дастаси қатнашчилари Д. Жабборов, И. Шарипов, А. Авезов, Л. Собирова ва О. Отажоновлар.

Ж. ҚОЗОҚОВ сурати.

ТВ

22 ИЮЛЬ — ЯКШАНБА

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув.

* * *

10.00 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Вайрона уйдаги шарпалар». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия). 11.30 «ДОСААФ — мардлик майдони». 12.00 «Сенинг тақдиринг». Йўлдош Охунбобоев номидаги жумҳурият Ёш томошабинлар театрининг спектакли. 13.10 «Қайта қуриш ва халқ таълими». 13.50 «Деҳқон ва замон». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув. 14.50 «Алифбо сабоқлари». 15.25 «Гул ёшликнинг сўлмас боғида». Мусиқий кўрсатув. 16.20 «Ўзбекистон қанотлари». Ҳужжатли фильм.

Тижорат кўрсатуви

16.35 «Фарғонаазот» ишлаб чиқариш уюшмасининг табиатни муҳофаза қилиш борасидаги фаолияти ҳақида.

17.50 Кўрсатувлар тартиби.

Қувноқ ўтсин таътиллар

17.55 «Иван қандай қилиб шоҳ қизини қутқарди». Мультфильм. 18.05 Болалар учун концерт. 18.35 «Мулоҳаза». Театр муаммоларига бағишланади. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Менга қарата олма от». Телевизион бадиий фильм. «Ўзбектелефильм» премьераси. 20.25 Кинолавҳа. 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Ахборот» танқид қилади. 21.15 Гавҳар Аминова ва Салоҳиддин Лутфуллаев концерти. 22.00 «Ахборот». 22.20 «Якшанба оқшомида». Жумҳуриятда хизмат кўрсатган «Ялла» ансамблининг янги программаси. 23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:
ТОЖИК ТИЛИ КУНИ

9.00 «Сапеда». Мусиқий ахборот. 10.00 «ҲИММАТИ СОҲИБЗАБОНОН» УЗЛУКСИЗ ТЕЛЕКЎРСАТУВИ. 24.00 «Телетомошабин ҳамроҳи».

● МТ I

7.30 Спорт ҳамма учун. 7.45 Ритмик гимнастика. 8.15 «Спортлото» тиражи. 8.30 «Эрта саҳарлаб». 9.30 «Ватан хизматида». 10.30 Тонгги дам олиш программаси. 11.00 «Дунё бўйлаб». Альманах. 12.00 Яхши ният ўйинлари. Спорт гимнастикаси. Сузиш. АҚШдан кўрсатилади. 14.45 Яхши ният ўйинларининг тантанали очилиши. АҚШдан кўрсатилади. 16.45 «Здоровье». 17.30 «Қишлоқ янгиликлари». Панорама. 18.45 Юрмаладан Ялтага. «Ялта-90». эстрада қўшиқлари ёш ижрочиларининг бўлажак V Бутуниттифоқ конкурси ҳақида. 19.10 «Орзунинг ушалиши». Мультфильм. 19.40 «Биз севган детектив». Киноконцерт. 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 21.00 «Абадият ҳақида ўйлар». Якшанба ўгитлари. 21.15 «Бенони ва Роза». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия (Норвегия телевидениеси). Премьера. 22.20 «Стэп оҳангларида сайр». Фильм-концерт (Ленинград).

А. ВОЛОДАРСКИЙ

Прокурор бўлмай қўя қолай...

(Ҳажвия)

— Туринг, суд келяпти!.. Таслим бўлинг!.. Уч, икки, бир, старт!..

— Қалай бопладимми?.. Болалигимдан машқ қиламан-да!

Беш ёшимдан прокурор бўлишни ҳавас қилардим. Эрталаб барвақт ҳаммадан олдин уйғониб, дадам билан ойимни уйғотардим: «Туринг, суд келяпти». Бу қичқириғимдан дадам сапчиб туриб, кўзини юмганича ўзини девор томон ташлар, қўлини орқасига қилиб, суяниб қоларди. Ойим эса шкафдаги тақинчоқларини қўлига олиб, апил-тапил кўрпанинг остига шўнғиб кетарди.

— Қўрқманглар! — дедим етти ёшга тўлганимда дадам билан ойимга далда бериб. — Мана, катта бўлай, кўрасиз, ҳамма ўғри зотини қамаб ташлайман, ўшанда гул туваккa пул беркитиб овора бўлмайсиз...

Тез орада падари бузрукворим илк бор юрак хуружини ҳам омон-эсон ўтказиб олди, онам эса, мени ҳар эҳтимолга қарши шифокор ҳузурига етаклаб борди...

— Полвонингиз соппа соғ-ку! — деди мени бош-оёқ кузатиб чиққан оқ халатли кўзойнакли доктор. Сўнг кўзини оёғимдан уза олмай, сўзида давом этаркан, у зўр бериб ойимдан унинг боласига ҳам меникидака «Адидас» оёқ кийими топиб беришни илтижо қиларди. Ойим чорасиз бош эгиб турарди...

Ўн ёшда эдим шекилли, дадамнинг туғилган кунига ҳамкасблари ташриф буюришди. Мен билдирмасдан меҳмонхонадаги столнинг тагига биқиниб, суҳбат авжига чиққанда бор овоз билан қичқирдим:

— Таслим бўлинглар, уй қуршаб олинган!!!

Бу топқирлигим боис Жора тоғам узоқ вақт дудуқланиб гапирадиган, Феня холамнинг эса боши ўз-ўзидан қалтирайдиган бўлиб қолди. Фақат Иван Семёновичнинг миясига озгина қон қуйилди, холос...

— Ҳечқиси йўқ, — дерди ранги докадек оқариб кетган дадам «пиқ-пиқ» йиғлаётган ойимни юпатиб, — худога шукур... Ҳар қанча бўлсаям, прокурор ўзингдан чиққанига нима етсин!

Лекин дадам бундай ўйлаб хом хаёл сурарди, чунки мен ўн икки ёшимда учар жисмлар оламига бошим билан шўнғиб кетгандим. Кўзимга тайёрадан бошқа ҳеч вақо кўринмасди.

— Уч, икки, бир, старт! — қичқирардим ва менинг қўлбола тайёраларим хона бўйлаб ғиз-ғиз учганича буюмларга уриларди. Юз берган «авиаҳалокат»лар натижасида биринкетин биллур идишлар чил-чил бўларди.

— Ташвишланма, — деб юпатмоққа уринарди қалтираб тамом бўлган дадам ойимни, — ахир врач ўзингга «соппа-соғ бола!» деб айтди-ку! Ақли расо бола эса ҳеч қачон муҳандис бўла олмайди! Ҳечкиси йўқ, бир йўлини топиб кетар...

Ниҳоят ўн учга тўлганимда мен боп юмуш топилди қолди. Ўша куни дадам мен билан жиддий гаплашишга аҳд қилган шекилли:

— Шу уйда ўзинг кўриб турган ҳамма нарсани ўз қўлим билан яратганман, ўғлим! — деди. Менинг япон видеомагнитафонига ангрaйиб қараб қолганимни кўриб, у сўзида давом этди:

— Яъни, буларнинг жаъмини ўз қўлим билан топдим, демоқчиман. Хўш, энди сен менга жавоб бер: катта бўлганингда уйингда шундай буюмлар бўлишини истайсанми?

— Албатта! — ҳовлиқиб жавоб бердим.

— Ундай бўлса, сен прокурор бўлолмайсан, ўғлим, — деди дадам маъюс.

— Нега? Нимага энди прокурор бўлолмас эканман?! — ажабланиб сўрадим.

— Чунки, агар билсанг прокурорнинг маоши жуда оз-да!

— Терговчиники-чи?

— Терговчиники ундан ҳам кам!

— Муҳандис-чи?... — йиғлашимга оз қолиб сўрадим.

— Қўй, кўп куйинма... Прокурор бўлмасанг, бўлмассан! — юпатди дадам. — Сени ўзимга ишга олиб... одам қиламан! Ҳозирча ойингдан қўл артадиган қоғоз ол-да, машқ қилишни бошлайвер.

Ўшандан буён ишбилармон одам бўлиш учун, иш куним бир хилдаги саволларни такрорлашдан бошланади: «Узр.., марҳамат.., нима буюрадилар!?».

Русчадан Фарҳод УБАЙДУЛЛАЕВ таржимаси.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

«Ёш ленинчи»
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64667.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Р. — 06213.
Д. — 23506.